

ЎЗЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“МУҲАНДИСЛИК КОММУНИКАЦИЯЛАРИ
ҚУРИЛИШИ” факультети



401 – “Геодезия, картография ва кадастр (кадастр)” гуруҳи битирувчиси
Олтибоев Жамшиднинг

*“Тарихий меъморий обидаларни таъмирлашда бажариладиган геодезик
ишлар таркиби (Нодир Девонбеги обидаси мисолида)” мавзусидаги*

ДИПЛОМ ИШИ

Тушунтириш хати _____ бет формат (А-4)
чизмалар _____ варақ (формат А-2)

Кафедра мудири:

Д.О. Жўрақулов

Диплом иши раҳбари:

А.Ғофуров

Самарқанд - 2017

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**“МУҲАНДИСЛИК КОММУНИКАЦИЯЛАРИ ҚУРИЛИШИ” ФАКУЛЬТЕТИ
“ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА КАДАСТР” КАФЕДРАСИ**

**ДИПЛОМ ЛОЙИҲАСИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА
ТОПШИРИҚ**

Олтибоев Жамиш

Группа: 401-ГКК (кадастр) рейтинг дафтарчаси рақами _____

Диплом лойиҳасининг мавзуси: *“Тарихий меъморий обидаларни таъмирлашда бажариладиган геодезик ишлар таркиби (Нодир Девонбеги обидаси мисолида)” мавзусидаги Институт бўйича 2017 йил 5 майдаги № 221–у-сон буйруқ асосида тасдиқланган.*

2. Мавзу материалларини тўплаш, таҳлил ўтказиш ва долзарблигини асослаш:

Тарихий меъморий обидаларни таъмирлашда бажариладиган геодезик ишлар усуллари, таъмирлашда қўлланиладиган маълумотлар бўйича тўпланган материаллар асосида таҳлил ўтказиш ва диплом лойиҳа мавзусининг долзарблигини асослаш.

3. Геодезия, картография ва кадастр қисми:

а) ўлчаш ишлари *Тарихий меъморий обидаларни таъмирлашда бажариладиган геодезик ишлар таркиби топографик планини тузиши, тарихий меъморий обидаларнинг баланлигини ўлчаш, ҳамда деформациясини аниқлаш.*

б) Ҳисоблаш ишлари *Тарихий меъморий обидаларни таъмирлашда бажариладиган геодезик ишларнинг натижаларини камерал шароитда ҳисоб китоб ишларини бажариши.*

4. Меҳнат хавфсизлиги ва атроф муҳит муҳофазаси: *Тарихий меъморий обидаларни таъмирлашда геодезик ишларни бажариш вақтида меҳнат хавфсизлиги ва атроф-муҳит муҳофазаси тартибларини ва чора тадбирларини ишлаб чиқиши.*

5. Геодезик ишлар иқтисодиёти: картография ва кадастр қисми:

Тарихий меъморий обидаларни таъмирлашда бажариладиган геодезик ишларда қўлланиладиган геодезик ҳисоблаш ишлари, маълумотларни тўплаш ишларининг харажатлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш сметасини ишлаб чиқиши.

6. Диплом лойиҳа бўйича хулоса: *Диплом лойиҳа бўйича бажарилган ишлар тўғрисида таклиф ва хулосалар ишлаб чиқиши.*

7. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Геодезия ва картография тўғрисида”ги қонун. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. 19-жилд, Т., Адолат, 1999.

2. «Геодезия, картография ва кадастр» бакалавриатура йўналиши бўйича битирув малакавий ишини бажаришга доиру слубий қўлланма. Мусоев И.М., Нурматов Э. Ҳ. ТИМИ, 2004.

3. Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 июлдаги 255- сонли қарори бўйича қабул қилинган “Ягона давлат кадастри тизими” Низом

4. “Амалий геодезия”. Д.Журакулов ва бошқалар. “Кадастр хизматидаги геодезик ишлар”.5.

Интернет сайтлари: www.kadastr.uz , www.ziynet.uz, www.geodez.ru .

8. Диплом лойиҳасининг чизмалари рўйхати:

1. Тарихий меъморий обидаларни таъмирлашда қўлланиладиган замонавий геодезик асбоблар ва тарихий меъморий обидаларнинг топографик планини яратиш усуллари.

Диплом лойиҳа қисмлари бўйича маслаҳатчилар:

№	Диплом лойиҳасининг қисмлари	Бошланиши	Тугаллиниши	Илмий раҳбар, маслаҳатчилар	Имзо
1.	Мавзу материалларини тўплаш, таҳлил ўтказиш ва долзарблигини асослаш				
2.	Геодезик қисм: а) ўлчашишлари б) ҳисоблашишлари				
3.	Меҳнат хавфсизлиги ва атроф муҳит муҳофазаси				
4.	Геодезик ишлари қисодиёти				
5.	Диплом лойиҳасини расмийлаштириш ва тақризга юбориш				
6.	Диплом лойиҳа ҳимояси				

Изоҳ:

1. Диплом лойиҳасининг чизмалари 420x524 мм А-2 форматда 5-6 варақни, тушунтириш хати 210 -297 мм ўлчамдаги А4 форматли оқ қоғозда, умумий сўзлар сони 10-15 мингтани ташкил этиши лозим.

2. Ҳар бир топшириқда кўрсатилган муддат охирида раҳбар ёки маслаҳатчи томонидан имзоланади, сўнгра кафедра мудири рухсатидан кейин навбатдаги қисмни бажаришга киришилади.

Топшириқ берилган сана

«__» _____ 2017 й.

Тугалланган диплом лойиҳасини топшириш санаси

«__» _____ 2017 й.

Диплом лойиҳа раҳбари:

Топшириқ бажариш учун қабул қилинди

Талабанинг имзоси:

Кафедра мудири:

Доц. Д.О.Жўракулов

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**“МУХАНДИСЛИК КОММУНИКАЦИЯЛАРИ ҚУРИЛИШИ”
ФАКУЛЬТЕТИ**

“ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА КАДАСТР” КАФЕДРАСИ

“Тарихий меъморий обидаларни таъмирлашда бажариладиган геодезик ишлар таркиби (Нодир Девонбеги обидаси мисолида)” мавзусидаги

ДИПЛОМ ЛОЙИҲАСИНИНГ

Т у ш у н т и р и ш х а т и

“Тарихий меъморий обидаларни таъмирлашда бажариладиган геодезик ишлар таркиби (Нодир Девонбеги обидаси мисолида)”, геодезик ишларнинг хисоб китоби, тарихий меъморий обидаларнинг ўлчамларини аниқлаш усуллари, топографик плани, меҳнат муҳофазаси ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, харажатлар сметаси ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш натижалари ёритилган.

Диплом лойиҳасини бажарувчи талаба:

Ж.Олтибоев

Кафедра мудири:

Д.О.Жўракулов

Диплом лойиҳаси раҳбари:

А.Ғофуров

Маслаҳатчилар:

М.Исроилов

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш

I-Боб. Умумий қисм Нодир Девонбеги жоме масжидининг техник ҳолатини баҳолашда асосий муҳандислик геодезик ишларни таҳлил қилиш.

1.1. Нодир Девонбеги мажмуасини асрашнинг долзарб муаммолари.

1.2. Меъморий обидаларнинг шикастланиши ва бошқа турдаги деформацияларнинг сабабларини таҳлил қилиш

1.3. Иншоотлардеформациясинингкелибчиқишсабаблари.

1.4. Нодир Девонбеги мажмуасининг асосий ўлчамларини аниқлаш ишлари ва уларни бажаришга қўйиладиган асосий талаблар

1.5. Меъморий обидаларни техник баҳолашда геодезик ишларнинг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш

II -Боб. Геодезикқисм.. Нодир Девонбеги жоме масжидининг техник ҳолатинигеодезик усулда чўкишини кузатиш.

2.1 Нодир Девонбеги мажмуасининг ҳолатини ўрганишда геодезик усулларни қўллаш ва қўлланиладиган асбоблар.

2.2 Оптимал планли-баландлик геодезик тармоқларини барпо этиш.

2.3. Чўкишни кузатиш белгиларини жойлаштириш.

2.4. Иншоотлар чўкишини аниқлаш.

2.5.Чўкишни кузатишнинг геодезик аниқлиги. Чўкишни башорат қилиш.

2.6.Чўкишни гидростатик ва тригонометрик нивелирлашусулида аниқлаш.

III-Боб. Меҳнат хавфсизлиги ва атроф муҳит муҳофазаси.....

3.1. Умумий қоидалар.....

3.2. Меҳнат хавфсизлигини бошқаришининг услублари ва функциялари.....

3.3. Техника хавфсизлиги ва меҳнатни ташкил қилиш талаблари.....

3.4. Нивелир ва нивелир рейкалари билан ишлаш тартиблари.....

3.5. Экологик таълим ва унинг шаклланиши.....

3.6. Атроф-муҳит муҳофазасининг ҳуқуқий асослари.....

IV–Боб. Иқтисодий қисм.....

4.1. Масжиднингчўкиши ва деформациясини геодезик усулда аниқлашда, лойиҳа асосида тузилган смета.

Смета.

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар.....

Интернет маълумотлари

Кириш.

Республикамиз истиқлол йўлини танлаб, мустақилликка эришганидан сўнг саноатда, қурилишда, ишлаб чиқариш ва халқ хўжалигининг бошқа кўпгина тармоқларида барқарор илмга асосланган ривожланишни талаб этмоқда. Бу хусусда Ўзбекистоннинг довуғини жаҳонга таратаётган ва иқтисодиётини ривожлантиришда катта хиссаси бўлган меъморий обидаларни сақлаш, таъмирлаш ва келгуси авлодларга ўз ҳолича етказиб бериш мақсадида уларни геодезик усулда суратга олиш муаммоси улкан билим ва тажрибани тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман ҳокимликлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан меъморий обидаларни таъмирлаш, уларни келгусида сақлаш ва қайта тиклаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Бунга мисол тариқасида кўхна ва навқирон Самарқанд шаҳримизнинг эски шаҳар қисмининг тубдан ўзгартирилиши, шу жумладан, Шоҳизинда меъморий мажмуасининг қайта тикланишини ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Меъморий обидаларни таъмирлаш, қайта тиклаш ва бошқа ободонлаштириш ишлари фақат Самарқанд шаҳридагина эмас, балки Республикамизнинг вилоят ва туманларида ҳам кенг кўламда бажарилмоқда.

Маълумки, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши топографик-геодезик ишларнинг ривожланиши билан узвий боғлиқ. Шу сабабдан ҳам ушбу соҳада илмий тадқиқот ишлари ва амалиёт жараёнини юксак талаб даражасида мукамал равишда олиб бориш даркор.

Ҳеч кимга сир эмаски, Ўзбекистон Республикаси ўзининг барча табиий бойликлари ва ресурслари билан бир қаторда, меъморий обидалари билан оламга танилган. Бугунги кунда миллионлаб сайёҳлар ва бошқа ишбилармон одамлар мамлакатимизга меъморий обидаларимизни томоша қилиб завқ олиш мақсадида дунёнинг турли бурчакларидан келишмоқда. Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини кўтаришнинг яна бир йўли туризм соҳасини кенгайтириб, сайёҳларга хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, сайёҳлар ташриф буюрадиган меъморий обидаларни сақлаш, таъмирлаш ва қайта тиклашдан иборат.

Республикамизнинг кўплаб меъморий обидалари ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг муҳофазасига олиниши бу меъморий обидаларнинг бебаҳо эканлигидан далолат беради. Ушбу меъморий обидалар бутун инсониятга, қолаверса, бутун келажак авлодларга ҳам хизмат қилиши керак.

Биз ушбу меъморий обидаларни кўз қорачиғидек асрашимиз ва келгуси авлодларга тўла-тўқис етиб боришини таъминлашимиз зарур. Бу ишларни амалга ошириш меъморий обидаларнинг ҳолатини кузатиб, уларнинг емирилиши ва бузилишининг олдини олишни талаб этади. Бу кузатиш ишларида геодезик ва фотограмметрик усулларни қўллаш катта самаралар беради.

Агар меъморий обидалар ўз вақтида таъмирлаб турилмаса уларнинг умри тез қисқаради. Меъморий обидаларни сақлаш, таъмирлаш ва қайта тиклаш илмий аҳамият касб этади.

Меъморий обидаларнинг чўкиши, оғиши, буралиши, силжиши ва бошқа турдаги деформацияларини кузатиш ишлари мутахассисларнинг олдида турган

энг маъсулиятли ишлардан ҳисобланади. Бунинг аҳамияти шундан иборатки, ушбу кузатиш натижаларидан оқилона фойдаланиш улкан самара беради: меъморий обидаларнинг емирилиши, шикастланишининг олдини олади ва уларнинг бевақт ишдан чиқишига йўл қўймайди.

Меъморий обидаларнинг деформацияларини кузатиш, уларнинг техник ҳолатини аниқлаш ва уларни геодезик усулда суратга олиш ўзига яраша мураккаб жараён ҳисобланади. Чунки улар ўзаро зич жойлашган ва мураккаб геометрик шаклларга ҳамда ўзига хос конструкцияларга эга. Уларда ўзига хос аниқ геодезик ўлчаш ишлари бажарилиши лозим.

Катта маъсулият талаб этадиган бундай мураккаб ишлар автоматлаштириш ва компьютерлаштиришни тақозо этади. Ўлчаш ишларини бажаришда замонавий техника ва технологияларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Геодезик ўлчаш ишларини тез ва сифатли бажариш мақсадида замонавий лазерли электрон теодолит ва тахеометрлар, рақамли нивелирларни қўллаш тавсия этилади.

Меъморий обидаларни сақлаш ва муҳофаза қилиш, таъмирлаш ҳамда уларнинг техник ҳолатини баҳолашни геодезик ва фотограмметрик ўлчашларсиз тасаввур қилиш қийин.

Меъморий обидаларнинг умрини янада узайтириш ва уларни келгуси авлодга ўз ҳолича етказиш учун обидаларнинг техник ҳолатини текширган ҳолда вақтида таъмирлаш ишларини бажариш даркор. Меъморий обидаларни сақлаш ва таъмирлаш тадбирлари ва ишлари ҳозирги кунда илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Чунки улар ўз вақтида таъмирдан чиқарилмаса кўплаб салбий ва ноҳуш оқибатларларга олиб келиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, меъморий обидаларни сақлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш жараёнлари жуда мураккаб ва ўта маъсулиятли ишлар бўлганлиги боис, улар илмий асосда ва замонавий технологияга асосланиб, юқори малакали мутахассислар томонидан амалга оширилиши керак.

Маълумки, меъморий обидаларни ўз ҳолида сақлаш, уларни тиклаш, таъмирлашга доир бўлган муаммолар ва амалга оширилиши лозим бўлган барча тадбирлар ва ишлар меъморий обидаларнинг конструкцияси ва бошқа алоҳида хусусиятларини тубдан ўрганишни талаб қилади. Шу билан бирга меъморий обидаларни таъмирлаш мақсадида уларнинг таъмирлаш чизмалари ва лойиҳалари тузилиши шарт. Ушбу мақсадда эса меъморий обидаларнинг геометрик ўлчамларини олиш ва уларнинг техник ҳолатини бақолашда геодезик усулларнинг аҳамияти жуда каттадир.

Шундай экан, юқорида келтирилган барча тадбирларни бажариш ва меъморий обидаларни таъмирлаш жараёнидаги бошқа муаммоларни ечиш ва ушбу ишларни тез ва соз, юқори аниқликда амалга ошириш учун меъморий обидаларни геодезик усулда кузатиш технологиясини яратиш ва яхши ўрганиш зарурати пайдо бўлади.

I-Боб. Умумий қисм.

НОДИР ДЕВОНБЕГИ МАДРАСАСИНИНГ ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШДА АСОСИЙ МУҲАНДИСЛИК-ГЕОДЕЗИК ИШЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Нодир Девонбеги мадрасаси мисолида

Нодир Девонбеги мадрасаси XVII асрнинг 1630-35 йилларда Бухоро ҳокимининг девонбеги Нодир Мирзо Тоғай Ибн Султон томонидан қурилган. Бу мадраса Хожа Аҳрор хонаҳоси ёнида қурилганлиги учун Хожа Аҳрор мадрасаси деб ҳам юритилади. Мазкур мадрасани шу кўрғонда барпо қилинишини Нодир Мирзо Тоғай Ибн Султоннинг Хожага бўлган чексиз ҳурмати белгиси деб тушунмоқ мумкин.

Нодир Девонбеги мадрасасининг лойиҳасини ишлашда Регистоннинг Шердор мадрасасининг биносини кўринишидан ижодий фойдаланиб иш кўрилган. “Иккинчи Шердор” мадрасаси (халқ ичида шундай ҳам юритилади) 1978 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими А. Ҳаққулов ташаббуси билан қайта таъмирланган. 1- расм. Пештокида Шер расмининг акс эттирилиши, катта ҳовлининг четларида ҳужраларнинг жойлашганлиги билан шерларнинг нусхасига ўхшайди, фақат бунда миноралар йўқ. Мадраса бир қаватли бўлиб, ўзида 16-17 асрларда кенг тарқалган ҳашаматли шарқона тўртайвонлик усулида бунёд этилган. Мадрасанинг пештокида қурилишнинг бошланиш вақтининг кўрсатувчи ёзувлар мавжуд бўлиб, улар нақш безаклари билан уйғунлашиб кетган. Бу ёзувларнинг нақшлар билан ҳашаматлаштириш Хожа Ҳошим ва муҳандис-қурувчи Дўстмуҳаммадлар ижодларининг намуналаридир.

1.1. Меъморий обидаларни асрашнинг долзарб муаммолари

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, геодезик ишлаб чиқариш назарияси ва амалиёти мисли кўрилмаган ривожланиш поғонасига кўтарилди. У ҳақда замонавий технологиялар ва электрон геодезик асбобларнинг халқ хужалигига тадбиқ этилганлиги ва қўлланилиши гувоҳлик беради.

Ўзбекистоннинг меъморий иншоотлари бутун жаҳон цивилизациясининг ҳақиқий дурдоналари бўлиб, дунё маданий меросининг ажралмас қисмини ташкил этади. Ноёб тарихга эга бўлган, бугунгача сақланиб қолган Ўзбекистоннинг меъморий обидалари йилдан йилга кўпдан кўп тадқиқотчиларни ўзига жалб этмоқда. Шу катори Нодир Девонбеги мажмуасидир. Масжит Самарқанд атрофидаги меъморий ёдгорликлар 15 ва 20 асрларда қурилиб қушимча масжидлар қурилган, Самарқанд тумани Улуғбек

қишлоғи худудида. Хожа Ахрор қабри яқинида турли даврларда бунёд этилган Нодир девонбеги мадрасаси, икки айвон, масжид, минора ҳамда ховузли ҳовлидан иборат мажмуа. Мажмуанинг маркази 8 ёқли хавуз, унинг жанубида Хожа Ахрорнинг оқ мармарли қабр тоши бор, қабр тошига араб ёзувида ҳуснихат билан марсия ёзилган, шимолда Нодир девонбеги мадрасаси, тўртбурчак ховлининг атрофида хужралар жойлашган; ховлининг ғарбида айвон бор, безаклари 17 асрга хос, мармар курсили устунлар бошаси муқарнасли, шифти 3 қисмга бўлиниб, юлдузсимон шаклдаги ховузаклар ишланган. Иккинчи мурабба тархли айвоннинг шарқий томони очик, қолган уч томони қалин девор билан ўралган, деворларига чуқур равоқлар ишланган: ён томонидан масжидга кирилади. Масжид синчли бино бўлиб, тўғри тўртбурчак тархли, ёҳоч устун-тусинли, шифти вассали, нафис нақшлар билан серхашам безатилган. Масжид изорасига қошинкори нақшлар ишланган, меҳроб ва равоқлари муқарнаслар билан тўлдирилган, юқоридаги хошия қаторлар қирма усулида бажарилган. Хужралар ховлининг шимолида жойлашган, содда, безаксиз. Ховуз ёнида таги 6 қиррали минора қад кўтарган. Таъмир вақтида томи туника билан ёпилган.

Қадимий шаҳарларимизга ташриф буюраётган маҳаллий ва хорижий сайёҳлар оқими кун сайин ошиб бормоқда. Ҳозирги вақтгача сақланиб келинаётган халқ ижодиёти дурдоналари бўлмиш меъморий обидаларга берилаётган эътибор нафақат архитекторлар, шаҳарсозлар ва таъмиршунослар олдида, балки уларни сақлаш ва келгусидаги тақдирини халқ этувчи тадқиқотчилар, муҳандислар ва геодезия соҳасидаги мутахассислар олдида ҳам жиддий вазифаларни кўяди.

Таъмирлашнинг асосий тамойилларини иншоотларнинг дастлабки кўринишини сақлаб қолиш деб ҳисоблаш мумкин. Бунда таъмирлаш чизмасини зарурий аниқликда чизиш муаммоси, яъни меъморий обидани съёмка қилишнинг меъёрий ва чегаравий бузилишини аниқлаш масаласи пайдо бўлади.

Замонавий геодезия фанини мамлакат муҳофаази ва халқ хўжалигидаги кенг миқёсдаги илмий муаммоларни ечишда, турли геодезик ўлчашларни амалга оширишда кенг қўлланиладиган замонавий электрон ва автоматлаштирилган геодезик асбобларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Меъморий обидаларни таъмирлаш ва деформацияларини ўрганиш мақсадида бажариладиган ўлчам олиш ишларининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бунда геодезик ўлчашларнинг замонавий усуллари ва асбоблари ҳар доим ишлатилавермайди. Шунинг учун юқорида келтирилган ишларни бажариш учун геодезик усулларни қўллашни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш зарурати вужудга келади.

Ўлчам олиш ишларини бажаришда замонавий геодезик усуллар ва асбобларни қўллаш таъмирлаш лойиҳаларини ишлаб чиқишини тезлаштиради ва шу билан бир вақтда, вақтни тежашга, меъморий шакллар, элементлар ва меъморий обидани бутунлай тиклаш ва таъмирлаш ишларининг аниқлигини оширишга олиб келади.

Ўзбекистонда унинг қадимий меросини сақлаш бўйича кенг қўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Ноёб меъморий обидаларнинг катта қисми таъмирланди ва бажарилаётган ишлар ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. Аммо, шу билан бир қаторда амалга ошириладиган ишларнинг мақсадга

қаратилган истиқболли дастурининг мавжуд эмаслиги, мутахассисларнинг етишмаслиги, зарур бўлган ўлчамлар ва чизмаларни олишнинг мукамал усуллариининг етишмаслиги таъмирлаш жараёнида кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Ҳозирги вақтда хорижда ва мамлакатимизда меъморий обидаларни текшириш ва таъмирлаш услублари бўйича бир қанча ишлар бажарилган. Аммо бу масала ўлчам олиш ишларининг геодезик таъминоти билан комплекс равишда кўриб чиқилмаган. Шунини таъкидлаш жоизки, бу ерда ягона тавсиялар бўлиши мумкин эмас, чунки ўлчам олиш ва таъмирлаш лойиҳаларини ишлаб чиқишда ҳар бир архитектура ансамбл алоҳида кўриб чиқилиши лозим.

Таъмирлаш ишларини олиб бориш жараёнида меъморий иншоотларнинг цилиндрик, коник ва бошқа кўринишдаги мураккаб юзаларининг геометриясини ўрганиш зарурияти пайдо бўлади. Шу муносабат билан меъморий обидаларнинг ушбу элементларини текисликка муфассал ёйиш ва уларни бирламчи кўринишида қайта тиклаш мақсадида съёмка қилишнинг геодезик услубларини ишлаб чиқиш зарур.

Геодезик усулларда ўлчам олишни бажаришда шунини ёдда тутиш лозимки, бу ерда худди геодезиядаги каби ўлчам олиш усуллари ва услубларидан фойдаланилади. Қўйилган масалалар ва маҳаллий шароитлар хусусиятларини эътиборга олган, энг тежамли ва барча талабларга жавоб берадиган усулни танлашни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Меъморий обидалар элементларининг ўлчамларини олишнинг далада бажариладиган ишларининг таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Иншоот деворида нул иш чизигини белгилаш.
2. Нул иш чизигининг вертикал шкаласига баландлик отметкасини узатиш.
3. Бориб бўлмас горизонтал элементларнинг ўлчамларини проекциялаш усулида аниқлаш.
4. Вертикал текисликда жойлашган бориб бўлмас вертикал ва қия элементларнинг ўлчамларини аниқлаш.
5. Бошқа бориб бўлмас масофаларни аниқлаш.
7. Айлана шаклидаги иншоотларнинг радиуси ва марказ координаталарини аниқлаш.
8. Иншоотларнинг ўлчамларини олишни тезкор геодезик усул орқали бажариш.

Шундай қилиб, меъморий обидаларни таъмирлаш ва келгусида уларнинг мониторингини ўтказиш мақсадида техник ҳолатини баҳолаш учун ўлчам олиш ишларида геодезик ўлчашлар методикасини қўллашни билиш зарур.

1.2. Меъморий обидаларнинг шикастланиши ва бошқа турдаги деформацияларнинг сабабларини таҳлил қилиш

Кейинги вақтларда қадимий ва бебаҳо меъморий обидаларга эга бўлган шаҳарлар тараққиётида меъморий обидаларни таъмирлаш ва сақлаш масалаларига бўлган эътиборнинг етишмаслиги оқибатида кризисли зоналарнинг сони тобора ортиб бормоқда. Деформацияларни келтириб чиқарадиган сабаблар ва уларнинг миқдорларини аниқлаш лойиҳалаш ва

геодезик ўлчашларни тўғри олиб боришда катта аҳамиятга эга. Бу маълумотлар ишларни амалга ошириш учун усуллар ва асбоб-ускуналарни тўғри танлаш имконини беради. Меъморий обидаларни таъмирлаш жараёнида энг муҳим босқич – уларнинг техник ҳолатини ва фойдаланиш фазилатларини тўғри баҳолаш мақсадида жойда геодезик тадқиқотлар ўтказиш ҳамда деформациялар ва эрозия жараёнларни кузатиш, яъни меъморий обидаларнинг шикастланишини диагностика қилишдир.

Диагностика усуллари таъмирлаш ишлари амалиётига жорий қилиш меъморий обидаларини техник ҳолатини тўлиқ таҳлил қилиш ва натижаларни ягона, ҳамма учун умумий формада ёзиш имконини беради, таъмирлаш ишларини лойиҳалашда хатоликларнинг олдини олишни таъминлайди, ишларнинг сифатини объектив баҳолаш, фойдаланиш жараёнида обидаларнинг ҳолатини текшириш ва аниқланган нуқсонларни тузатиш бўйича тезкор чораларни кўриш имконини беради.

«Меъморий обида – ташқи муҳит» системаси элементларини диагностика қилиш усуллари ва воситаларини танлаш меъморий обидаларнинг техник ҳолатини визуал баҳолаш ва унинг деформацияланиши сабаблари ҳақида олдиндан мулоҳаза қилишга боғлиқ. Меъморий обидаларнинг шикастланишига олиб келувчи сабабларга қуйидагиларни киритиш мумкин: обидаларнинг ўзига хос бўлган (конструктив) сабаблар; ташқи табиий ва антропоген омиллар таъсири ва обидадан фойдаланиш режими билан боғлиқ бўлган сабаблар.

Биринчи сабаблар таркибига обидаларнинг жойлашиш ўрни билан боғлиқ бўлган (ҳудуднинг геоморфологик хусусиятлари) ва иншоотнинг характери билан боғлиқ бўлган сабаблар (қўлланиладиган материалларнинг хили ва сифати, конструктив нуқсонлар, таъмирлашда йўл қўйилган хатолар, технологик хатолар ва бошқалар)ни киритиш мумкин.

Ташқи сабаблар инсоният томонидан келтирилган табиий зиён ва шикастланишларни ўз ичига олади. Уларни ўз навбатида, табиий узоқ давом этувчи сабаблар, табиий тасодифий сабаблар ва инсоннинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган сабабларга ажратиш мумкин.

Узоқ давом этувчи сабабларга иншоот конструкцияларини аста-секин емирадиган кўп сонли физикавий, химиявий, биологик ва микробиологик жараёнлар киради. Улар кўпинча иншоотларни «қариши» термини билан таърифланади. Иншоотнинг бундай қаришига Самарқанд шаҳридаги Шоҳи-Зинда ансамбли ва Рухобод, Ишратхона, Гўри-Амир мавзолейлари ғиштли деворлари орасидаги бетон қоришмаларнинг емирилишини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ёмғир ва қор эриган сувларининг таъсири, деворларда ҳарорат кескинлашувининг пайдо бўлиши, ер ости сувларининг таъсири, автотранспортнинг ҳаракати, куёш радиацияси, шамол, ҳароратнинг кескин ўзгариши, чиқинди газлар ва бошқаларнинг таъсири ҳам меъморий обидаларнинг емирилишига ва шикастланишига олиб келади.

Табиий тасодифий сабаблар табиий офат ходисалари (ер қимирлаши, сел оқимлари, ернинг силжиши, ер ости сувларининг ўзгариши ва ҳоказо) ни ўз ичига олади.

Инсон фаолияти билан боғлиқ бўлган сабабларга меъморий обидалар атрофида одамлар томонидан қилинадиган ўзгаришлар таъсирида келиб

чиқадиган зарарлар киради. Булар – ҳавода захарли элементларнинг пайдо бўлиши (масалан, олтингугуртли газ, углерод оксиди, аммиак оксиди), гидрогеологик шароитларнинг ўзгариши, обидаларнинг яқинида қурилган бино ва иншоотлардан тушадиган динамик нагрузкалар, механик ускуналарнинг тебраниши, чўкувчан грунтларнинг намланиши, отмостваларнинг носозлиги, томдан сув ўтиши ва ҳоказо.

Меъморий обидаларни сақлаш учун ҳимоя зонасини барпо этиш мақсадга мувофиқдир. Ҳимоя зонаси – бу меъморий обидаларнинг бирламчи (дастлабки) ҳолати қайд қилинган, сунъий яратилган ёки мақсадга йўналтирилган, тадбирларни табиий равишда қўллаб-қувватлайдиган зонадир. Ҳимоя зонаси иншоотнинг асоси грунтларининг кўтариш қобилиятини сақлайди, гидрогеологик режимни ва обидаларнинг атрофидаги геологик муҳит билан ўзаро таъсири доирасида грунтларнинг ҳолатини ўзгартирувчи омилларнинг таъсирини йўқотади.

Меъморий обидаларнинг ҳимоя зонасини таъминлаш бўйича ҳимоя тадбирлари сифатида қуйидагиларни тавсия этиш мумкин

- (меъморий обидаларнинг таъсири доирасида) грунтлар ҳолатининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи ер ости ва ер устидаги барча қурилишлардан воз кечиш;

- асос грунтларининг намлигини ўзгартирадиган, водопровод ва канализация тармоқларидан сизиб чиқадиган сувларни йўқотиш;

- грунтларга динамик ва механик таъсирларни йўқотиш ва тебратувчи ишларни тухтатиш;

- агар грунтлар музлаган ва биологик емирилишга дучор бўлган бўлса, меъморий обидаларнинг пойдеворларини кишки музлаш ва эриш зонасидан пастга тушириш.

- гидроизоляцияси бўлмаган ёки гидроизоляцияси йўқотилган пойдеворларга ва музлайдиган грунтларга нам ўтишини камайтириш учун девор атрофига дренажлар ўрнатиш;

- обидалар ҳудудини вертикал режалаш (ҳудуднинг доимий нишаблигини таъминлаш);

- меъморий обидалар мажмуаси ҳудудини сув босганда доимий дренаж системаси ёрдамида грунт сувлари сатҳини пасайтириш;

- антропоген жараёнлар таъсири остида ўзининг юк кўтариш қобилиятини камайтирган, фаол зона доирасида асос грунтларини сунъий мустаҳкамлаш;

- барча меъморий обидаларнинг деформациялари ва эрозия жараёнларини жойда геодезик усулларда мунтазам кузатиш;

- яқинда жойлашган йўллар, бинолар, сув бассейнлари ва иншоотлари, ариқлар, каналларни иложи борица узоқроққа кўчириш ва ҳоказолар.

Меъморий обидалар жойлашган ҳудуднинг мураккаб муҳандислик геологик шароити обидаларни таъмирлаш масалаларини ечишни мураккаблаштиради.

Таъмирлаш ишлари амалиётида асосий емирилиш ва шикастланиш омилларини аниқлаш ёки унинг оқибатларини бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги замонда булар «меъморий обида-ташқи муҳит» системасида узоқ давом этадиган динамик мувозанатни таъминлаш бўйича асосий комплекс тадбирлардан олдин ўтказиладиган аварияга қарши ва профилактик ишлар характерини намоён этади.

Таъкидлаш жоизки, меъморий обидаларнинг ҳолатини текшириш ва таъмирлаш каби жиддий ишлар барча маҳаллий хусусиятларни (шароитларни) ҳисобга олган ҳолда ва илмий асосда олиб борилиши зарур.

1.3. Иншоотлар деформациясининг келиб чиқиш сабаблари.

Иншоотлар деформацияси уларнинг пойдевори га ва иншоотнинг ўзига турлих илтабий ва техноген омиллар таъсиретишинати жасида аюзага келади.

Иншоот ва бинолар деформацияси асосан улар пойдевори дагитупроқ қатлами нинг ҳаракати га боғлиқ.

Бу ҳаракатлар тик ва горизонтал ҳолатда аюзага келиши мумкин.

Пойдеворларнинг тик деформацияси қуйидагиларга бўлинади:

Чўкиш деформациялари пойдевор тагидагитупроқнинг ташқитаъсир ва алоҳида ҳолатлар дагитупроқнинг ўзоғирлигитаъсирида зичлашишинати жасида аюзага келадива бундагитупроқ таркиб тубдан ўзгармайди.

Сиқилиш деформациялари тупроқнинг зичлашишинати жасида аюзага келадива ташқитаъсир сабабли тупроқ таркиб тубдан ўзгаришига олиб келади, масалан, тупроқнинг намланиши, музлаган тупроқнинг ериши ва ҳоказолар.

Бўртиш деформациялари тупроқ қатлами га турли кимёвий моддалар таъсирида ёки унинг намлиги, температураси ўзгаришинати жасида тупроқ ҳажмининг ўзгаришинати жасида аюзага келади.

Ўтириш деформациялари ер ости қазилма ёйликларини қази болиш, гидрогеологик шароитнинг ўзгаришинати жасида аюзага келади.

Пойдевор чўкишининг математик таъсифи пойдеворнинг бошланғич ва чўкиш содир бўлгандан кейингитекисликлари оралиғи дагитиккесма билани фодаланади.

Агар дабу кесмалариншоот пойдеворининг барча бурчаклари да тенг бўлса, бундай чўкиш *бир текис да чўкиш* дейилади, агар да кесмалар тенг бўлма *санотекис чўкиш* ҳисобланади. Шундай қилиб, бир текис да чўкишиншоотнинг барча қисмига бўлган ташқимухит таъсири бир хил да бўлган ҳам да пойдевор тагидагитоғ жинсларининг бир хил да сиқилишинати жасида аюзага келиши мумкин. Бу ҳолат амалда кам учрайди.

Нотекис чўкишлариншоот қисмлари га турлихил таъсир кўрсатилиши ва тупроқнинг турлича сиқилишинати жасида аюзага келадива бу ҳолат бино ва иншоотларнинг оғишига, егилиши ва бошқа хил ўзгаришлари га олиб келади. Бу ўзгаришлар сезиларли даржада бўлган да бино пойдеворлари ва деворлари да ёрилишлар пайдо бўлиши мумкин.

Иншоотнинг ўзоғирлигинати жасида содир бўладиган чўкишлар тупроқ қатламининг сиқилиб боришинати жасида маълум вақт дан кейинтўхтади.

Бунда одатдагидай, қумли тупроқлар да чўкиш катта тезлик да ҳаракатланадиган тезтўхтади. Лой тупроқли жойлар да есатескари ҳолатда,

яънисезиларлибўлмагантезликдабошланиб,
кўпйиллардавомидатугамайди.

Биртомонламакучтаъсирида (масалан, сувбосими)
иншоотларнинггоризонталсилжишисодирбўлади.

Биновапойдеворларнингбиргаликдагисилжишикуйидагипараметрлар
оркалиифодаланади:

а) алохидапойдеворёкиқурилишблокинингтўлиқчўкиши;

б) биноваиншоотларпойдеворинингўртачачўкиши

д) пойдеворнуқталаринингнотекисчўкиши

е) нисбийнотекисчўкиш,

яънипойдевориккинуқтасиорасидагичўкишфарқинингнуқталарорасидагим
асофаганисбати;

ф) пойдеворнишаблиги,

яъничўкишфарқиАСнингпойдеворениёкиузунлигиганисбати.

Пойдеворнишаблигииншоотнингоғишига (крен) олибкелади.

г) иншоотнингбурилишбурчагих;

х) иншоотнинггоризонталсилжишиу.

Деформацияникузатиш, иншоотқурилишибошланганвақтдан,
тоунданфойдаланишнингбиринчийилларигачадавометтирилади.

БундакузатишбосқичларибироралиқлардаолиббориУшигаҳаракатқилинад
и.

Биноваиншоотларпойдеворлариваконструкцияларинингсилжишивачўкиши
нигеодезиккузатишмахсузтехниквазифагабиноанбажарилади.

Уердакуйидагиларкўрсатилади:

а) биноваиншоотларнингкузатилишикеракбўлганқисмлари;

б) бошланғичреперларвачўкишмаркаларинингжойлашиши;

с) кузатишдаврийлиги;

д) талабқилингананиқлиги;

е) ҳисоботхужжатларинингрўйхати.

Пойдеворвабинолардеформациясиникузатишнатижалари,
биноваиншоотларнингқанчаликмуштаҳкамлигинианиқлашгаҳамдачўкишсо
дирбўлишининголдиниолишгаимконберади.

Деформациясабаблари. Юқоридакўрсатилганидек,
пойдеворлардеформациясиунгатабийватехногеномиллартаъсиринатижас
идаюзагакелади.

Табиийомиллаигакуйидагиларникелтиришмумкин:

1) тоғжинсларинингтурлихилинженер-
геологиквагидрогеологикҳодисаларгамоийлиги;

2) тоғжинсларинингсовуқдамузлашвамузлаганжинсларнингэриши;

3) гидрометриқшароитнингўзгариши, кўпйилликтемпература,
намликваеростисувисатҳинингўзгариши.

Техногеномиллаигакуйидагиларкиритилади:

1) иншоотнингўзоғирлигитаъсири;

2)

еростисувларининг сунъий равишда қўтарилиш ва пасайиши сабабли тоғ жинсларихусусиятини ўзгартириши;

3) ерости ишларинатижасида пойдеворнинг заифлашиши;

4)

бинога қўшимча қават қурилиши ёки ёнидан янги бино барпо этилишинатижасида, пойдеворга бўлган босим (куч) ўзгариши;

5)

турли хила регатларишлаши, транспортлар ҳаракати сабабли пойдевор тебраниши.

Шулар билан бирга иншоот деформациясига пойдевор шакли, ўлчамлари ва мустақамлиги ҳам таъсир қилади.

1.4.

Меъморий обидаларнинг асосий ўлчамларини аниқлаш ишлари ва уларни бажаришга қўйиладиган асосий талаблар

Меъморий обидаларни таъмирлаш мақсадида уларнинг ўлчамларини аниқлаш ишлари вазифаларига кўра қуйидагиларга бўлинади:

- схематик (эскизли) ўлчам олиш;
- меъморий ўлчам олиш;
- меъморий-археологик ўлчам олиш.

Схематик ўлчам олиш ишлари меъморий обидани аниқлаш жараёнида ва дастлабки таҳлил қилишда бажарилади. Бунда иншоотнинг асосий ўлчамлари ва режалаш структураси (тузилиши) аниқланади. Схематик ўлчам олиш обида ҳақида фақатгина умумий тасаввурларни беради. Бу ерда қуйидаги геодезик усуллардан фойдаланиш мумкин:

- иншоотнинг бориб бўлмас баландлигини аниқлаш;
- бориб бўлмас горизонтал масофани аниқлаш;
- гумбазлар, миноралар ва айлана шаклидаги бошқа иншоотларнинг диаметрини аниқлаш ва ҳоказо.

Меъморий ўлчам олиш – обидаларнинг нафақат умумий схемасини, балки меъморий шаклини график тарзда ифодаловчи, обидаларнинг элементларини муфассал ўлчашдир. Чизмаларнинг масштабига кўра ўлчам олишнинг детализация даражаси турлича бўлиши мумкин.

Ўлчам олиш ишлари таъмирлаш ва реконструкция лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун бажарилади. Ўлчам олиш ишларини бажаришда обидаларнинг шакли идеаллаштириб кўрсатилгандек бўлади, яъни қурилиш хатоликлари, шунингдек, иншоотнинг деформациялари ҳам эътиборга олинмайди. Ўлчам олиш ишларида геодезик усул қўлланилганда комплекс ўлчаш ишларининг барчаси олиб борилади.

Меъморий-археологик ўлчам олиш иншоотни жойда натурали таҳлил қилиш билан бир вақтнинг ўзида таъмирлаш лойиҳасини ишлаб чиқиш ва обиданинг ҳолатини қайд этиш учун бажарилади. Ўлчаш ишларида идеал шакллардан барча четга чиқиш оғишлар ҳисобга олинади. Бунда ўлчашлар аниқлигига юқори талаблар қуйилади, қуйилган вазифаларни ечиш кенг миқёсда олиб борилади.

Меъморий ўлчам олишнинг бир неча усуллари мавжуд: натурали (жойида), геодезик, фотограмметрик ва стереофотограмметрик.

Меъморий ўлчам олиш маълумотлари бўйича ўлчам олиш чизмалари тайёрланади: режалар, фасадлар, қирқимлар, сферик юзаларда жойлашган алоҳида нақшлар, безаклар ва ёзувларнинг фрагментлари (бир қисми, парчаси) ва ҳоказолар.

Ўлчашларнинг натижалари график қурилмалар учун ишлатилганлиги туфайли, график ишларни бажаришдаги йўл қўярли хатоликлардан келиб чиққан ҳолда ўлчашлар аниқлиги ҳақидаги масалаларни ечиш лозим. 1.1-жадвалда график қурилмалар ўрта квадратик хатоларининг йўл қўярли қийматлари келтирилган.

Бир неча босқич (ҳаракат) дан иборат бўлган қурилмалар ўрта квадратик хатоларининг йиғиндиси қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$M_{\text{эп}} = \sqrt{m_1^2 + m_2^2 + m_3^2 + \dots + m_n^2}, \quad (2.2.1.)$$

бу ерда $m_1 m_2 \dots m_n$ алоҳида босқич (ҳаракат) лар хатолари.

Чекли график аниқлик $m_{\text{эп}} 0,1$ мм га тенг бўлган қийматдан иборат бўлади, яъни уни оддий кўз билан кўришнинг иложи бор бўлган нуқтадир. Чизманинг элементи кесма деб қабул қилиниши учун унинг минимал узунлиги 0,2 мм дан кичик бўлмаслиги керак.

1.1-жадвал. График қурилмалар хатоликлари.

Қурилмалар тури	Хатолик, мм
Берилган тўғри чизикда нуқтани тешиб белгилаш	0,05
Икки нуқта кесишмасида нуқтани белгилаш (90° бурчак остида)	0,06
Берилган нуқта орқали чизик ўтказиш	0,07
Берилган икки нуқта орқали чизик ўтказиш	0,07
Узунликни масштабли чизғич ёрдамида ўлчаш ва уни берилган тўғри чизикда белгилаш:	
- циркул - ўлчагичда	0,13
- микрометр винтли циркул-ўлчагичда	0,12
- штангенциркулда	0,08

Бир неча босқичдан иборат бўлган қурилмалар ўрта квадратик хатоларининг йиғиндиси қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$M_{\text{эп}} = \sqrt{m_1^2 + m_2^2 + m_3^2 + \dots + m_n^2}, \quad (1.3.1)$$

бу ерда $m_1 m_2 \dots m_n$ – алоҳида босқичлар хатолари.

Чекли график аниқлик (m_{ep}) 0,1 мм га тенг бўлган қийматдан иборат бўлади, яъни уни оддий кўз билан кўришнинг иложи бор бўлган нуқтадир. Чизманинг элементи кесма деб қабул қилиниши учун унинг минимал узунлиги 0,2 мм дан кичик бўлмаслиги керак.

Чизма масштаби аниқланганидан сўнг, тегишли график аниқликда жойда (иншоотда) чизик кесмасини ҳисоблаш мумкин. 1:50 масштаб ва 0,1 мм график аниқлик учун кесманинг режадаги узунлиги 5 мм ни ташкил этади. Равшанки, (бундан кўриниб турибдики), бу ҳолатда ўлчам олишни ката аниқликда (масалан 3 ёки 2 мм) бажаришнинг ҳожати йўқ, чунки бу кесма чизмада кўринмай қолади

Режада (ўлчам олиш чизмасида) график аниқликда чизик узунлигининг горизонтал куйилиши масштаб аниқлиги дейилади.

Меъморий ўлчам олишда масштаб аниқлигини бошланғич деб қабул қилиш мумкин:

$$m_{\text{бошл}} = m_{ep} M \quad (1.3.2)$$

бу ерда m_{ep} - қурилманинг график аниқлиги, мм; M – ўлчам олиш чизмаси масштабнинг махражи;

(1.3.2) формулаги чекли график аниқлик (0,1 мм) ни эмас, балки чизма чизувчининг (ёки график тузувчи қурилманинг бажарадиган ишининг) барча ҳаракатини комплекс ҳисобга оладиган, қурилманинг хатосини киритиш лозим.

Шундай қилиб, ўлчам олиш чизмасини қўлда чизишда учта асосий операцияни кўрсатиш мумкин: биринчи нуқтани тешиб белгилаш, иккинчи нуқтани тешиб белгилаш, чизик ўтказиш. Нуқтани тешиб белгилаётганда иш бажарувчи нуқтанинг ҳақиқий ҳолатидан дуч келган томонга қараб, чекли график аниқликка тенг бўлган хатога йўл қуйиши мумкин. Хатолик майдони $2m_{ep}$ диаметрли айлананинг чегарасида ётади. Агар чизиладиган чизик биринчи ва иккинчи нуқталарнинг хатоликлари чегарасидан чиқмайди деб ҳисобласак, бундай қурилманинг график аниқлиги 0,2 мм ни ташкил этади, ўлчам олишнинг бошланғич аниқлиги $M_{\text{бошл}} = 0,2M$ эса бошланғич аниқликка мос келади. Масалан, режали асослаш аниқлигини ҳисоблашда ва бошқаларда.

Ўлчам олиш чизмаларини чизишда иш бажарувчи томонидан жуда кўп операциялар бажарилади. Бундан ташқари, чизма кўпинча қаламда чизилади ва ижрочиларнинг ўзлари турли физиологик маълумотларга эга бўлишади. Шу боис меъморий ўлчам олиш амалиётида 0,4-0,5 график аниқликни белгилаш рухсат этилади:

$$M_{\text{бошл}} = \langle 0,4 \div 0,5 \rangle M \quad (1.3.3)$$

1.2-жадвалда чизмалар масштабнинг (1.3.3) формула асосида ҳисобланган аниқликлари келтирилган.

1.2-жадвал. Ўлчам олиш чизмаларининг масштаблари аниқлиги

Чизмалар тури	Сонли масштаб	Масштаб аниқлиги, см
Бош режаларнинг топографик	1:500	20

асоси		
Йирик меъморий ансамбллари	1:200	8
нинг ўлчам олиш чизмалари	1:100	4
Ўлчам олиш чизмаларининг энг кўп жорий қилинган масштаби	1:50	2
	1:20	0,8
Фрагментлар (иншоотнинг бир бўлаги) нинг ўлчам олиш чизмалари	1:10	0,4
Ёзувлар ва нақшлар фрагментларининг график аниқликларини ҳисобга олган ҳолдаги чизмалари, қолган масштаблар – 0,4 мм	1:1	0,4 мм

Чизиқли ўлчаш ишларини нисбий хатолик билан баҳолаш зарур [7, 15, 19]. Манбаларга асосан, қурилиш ўлчам олиш ишларини бажаришда чизиқли ўлчамларнинг нисбий хатолиги $1/1000 \div 1/3000$ ни ташкил этади.

Чизиқли ўлчашлар учун асбоб-ускуналарни танлашда нафақат абсолют, балки нисбий чекли хатони ҳам ҳисобга олиш зарур. Меъморий ўлчам олишда 2,5, 10 ва 20 м узунликдаги элементлар ўлчанмоқда деб фараз қилайлик. Ўлчам олиш масштаби 1:50. Ижрочининг ихтиёрида сантиметр бўлакли пўлат рулетка (ўлчаш абсолют хатолиги 0,5 см) бор. 1.2-жадвалга биноан бу ўлчаш асбоби билан барча масштабдаги ўлчам олиш чизмалари учун ўлчам олиш ишларини амалда бажариш мумкин.

Аввал келтирилган 2, 5, 10 ва 20 м узунликдаги элементлар учун тегишли ўлчашларнинг нисбий хатоликларини ҳисоблаймиз:

$$f_{\text{нис}} = 0,005 / 2 = 1 / 400$$

$$f_{\text{нис}} = 0,005 / 10 = 1 / 2000$$

$$f_{\text{нис}} = 0,005 / 5 = 1 / 1000$$

$$f_{\text{нис}} = 0,005 / 20 = 1 / 4000$$

Натижалардан кўриниб турибдики, ушбу сантиметр бўлакли пўлат рулеткадан узунлиги 5 м дан кам бўлмаган элементларнинг ўлчамларини олиш учун фойдаланиш мумкин. Қисқа элементларнинг узунлигини аниқлиги каттароқ бўлган асбоб билан ўлчаш зарур, масалан, миллиметрли пўлат рулетка ёрдамида. Бу ҳолда нисбий хатолик $f_{\text{нис}} = 0,005 / 2 = 1 / 400$ ни ташкил этади.

Меъморий обидаларнинг таъмирлаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадида меъморий ўлчам олиш бажаришда горизонтал бурчакларни $m_{\beta} = 1''$ ўрта квадратик хатолик билан ўлчашга рухсат этилади.

Геометрик нивелирлаш ишларини техник нивелирлар ёки трубасида адилаги бўлган теодолитлар ёрдамида бажариш мумкин. Нивелирлаш йўлининг боғланмаслик хатоси қуйидагидан ошмаслиги зарур:

$$\phi_{\text{х чек}} = \pm 50 \sqrt{L}, \text{ мм} \quad \text{ёки} \quad \phi_{\text{х чек}} = \pm 10 \sqrt{n}, \text{ мм.}$$

бу ерда L – нивелирлаш йўлидаги километрлар сони;

n – нивелирлаш йўлидаги станциялар сони.

Тригонометрик нивелирлашни бажаришда нивелирлаш йўлидаги нисбий баландликларнинг чекли боғланмаслик хатоси қуйидагини ташкил этади:

$$\phi_{\text{чек}} = \pm 0,04C / \sqrt{n}, \text{ м.}$$

бу ерда C – юз метрда ифодаланган йўлнинг узунлиги;

n – йўл томонларининг сони.

Бунда томонларнинг узунликларини рулетка ёрдамида ўлчаш зарур, чунки ипли дальномернинг нисбий хатолиги 1/400 ни ташкил этади.

Техник топшириқ буюртмачи томонидан тузилади. У меъморий обиданинг жойлашган ўрни ҳақидаги маълумотлар, меъморий ўлчам олиш ва лойиҳалаш босқичининг қўйилган вазифалари, ўлчам олиш чизмаларининг масштаблари ва ўлчам аниқликларини ўз ичига олиши лозим. Топшириқда обидаларнинг тақрибий ўлчамлари, ўлчам олиш ишларининг натижалари бўйича бажарилиши зарур бўлган фасадлар, интерьерлар ва режалар, материалларни топшириш навбати ва муддатлари, ишга ва материалларнинг мазмунига бўлган алоҳида талаблар кўрсатилади.

Топшириқ қўйилган вазифалар ҳақида кўргазмали тасаввурларни берадиган график иловалар билан тўлдирилади.

Ўқув амалиётини бажариш вақтида талабаларга амалиёт раҳбари томонидан техник топшириқнинг оддийлаштирилган варианты берилади. Топшириқда кўрсатилган маълумотларнинг бир қисмини талабалар амалиётнинг биринчи кунда меъморий обидаларнинг маъмурий вакилларида олишиди.

1.5. Меъморий обидаларни техник баҳолашда геодезик ишларнинг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш

Меъморий обидаларнинг ҳолатини текшириш ва таъмирлаш чуқур тадқиқотлар асосида олиб борилиши лозим. Афсуски, кейинги йилларда кўпроқ бу ишлар билан зарурий профессионал маълумотга ва тегишли малакага эга бўлмаган мутахассислар шуғулланишмоқда. Меъморий обидаларнинг ҳолатини текшириш ва таъмирлаш бўйича ўтказиладиган ишларни яхши биладиган малакали ишчи ва мутахассислар жуда кам. Бу ерда гап соддалаштирилган усуллар (текшириш, конструкцияларни бузиш ва алмаштириш) эмас, балки беқиёс услублар ҳақида боради. Меъморий обидаларнинг кадр-қиммати ва маънодорлиги муҳандислик хулосалари билан ҳам аниқланади.

Тарихий ва маданий обидаларни ҳимоялаш давлат органлари ва жамоатчилик ташкилотларининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Бу ишда фан ва техниканинг замонавий ютуқларини қўллаб ва жорий этиб меъморий обидаларни таъмирлаш, консервациялаш, паспортлаштириш ва ҳисобга олиш бўйича ўтказиладиган ишларда жамоатчилик ташкилотлари ва барча мутахассисларнинг ролини кўзда тутадиган ва аниқлайдиган конунчилик базаси катта аҳамиятга эга.

Меъморчиликда геодезия ва фотограмметриянинг асосий масалаларидан бири таъмирлаш ва материалларни архивлаштириш мақсадида ҳамда илмий-тадқиқот мақсадларида меъморий-қурилиш ўлчам олиш ва иншоот элементларини съёмка қилишни бажаришдан иборат.

Ўлчам олиш ишларини бажаришнинг одатдаги натурали усуллари кўп вақт ва маблағларни талаб этади, айниқса, мураккаб иншоотларнинг ўлчамларини олиш учун нарвонлар ва ҳавозалар қуришга тўғри келади.

Геодезик ва фотограмметрик ўлчашлар нафақат ҳудудни хариталаштиришда, балки бир қанча муҳандислик масалаларини ечишда кенг қўлланилади. Геодезия ва фотограмметрия меъморий-қурилиш ўлчам олиш ишларини бажаришда муҳим роль уйнайди. Мамлакатимизда жойда бевосита бажариладиган меъморий-қурилиш ўлчам олиш ишларига кўплаб маблағлар ажратилмоқда.

Муҳандислик иншоотларининг ранг-баранглиги ва муҳандис-геодезик ишларнинг хилма-хил мақсадлари турли усулларни қўллаш заруриятини келтириб чиқаради. Меъморчиликда қўлланиладиган съёмка қилиш усулларини уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Бевосита – оддий асбоблар (чизғичлар, рулеткалар, рейкалар, шовунлар ва бошқалар) ва мураккаб асбоблар (гидростатик нивелирлар, прогибомерлар, клинометрлар, тензометрлар, компараторлар, нивелирлар ва ҳ.к.) ёрдамида ўлчам олиш.

2. Чизикли ва бурчак ўлчаш асбоблари қўлланиладиган геодезик усуллар.

3. Фототеодолитлар, фотокамералар ва видеокамералар қўлланиладиган фотограмметрик усуллар.

Бевосита ва геодезик усуллар кўп ҳолларда аниқ усуллар ҳисобланади, аммо бевосита ўлчашлар, бир вақтнинг ўзида санок олишнинг қийинлиги ёки вақтнинг ўзида санок олишнинг қийинлиги ёки кўп асбобларни ўрнатиш имкониятининг йўқлиги олинadиган информацияларнинг тўлиқлигига монелик қилади, усулларнинг кўп меҳнат талаб қиладиган, ҳаттоки хавфли бўлишига ҳам олиб келади. Бу усулларнинг камчилиги сифатида бита оптик асбоб ёрдамида фазовий ўлчашларни амалга оширишнинг иложи йўқлигини кўрсатиш мумкин. Бу ерда замонавий электрон геодезик асбобларни қўллаш ушбу камчиликларни бартараф этиш имкониятини беради.

Шу ёки бошқа усулларни қўллаш қуйидаги омиллар орқали аниқланади: ишнинг мақсади, енгиллик даражаси ва шароитлари, иншоотнинг мураккаблиги ва ўлчамлари, бажариш учун берилган муддатлар, ўлчашлар аниқлиги, бажариш вақти, нархи, хавфлилик даражаси ва ҳ.к.

Ҳозирги вақтда меъморчиликда геодезия ва фотограмметрияни қўллаш масалаларига кўпроқ эътибор берилмоқда. Аммо ўлчам олишни бажаришда уларнинг самарадорлигига қарамасдан, ушбу усулларни қўллаш кенг қўламда тадбиқ этилмаяпти. Бунинг сабаби эса ўлчам олиш ва таъмирлаш ишларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишга комплекс ёндашувнинг етишмаслиги ҳамда норматив ҳужжатларнинг йўқлигидан иборат.

Хорижий мамлакатларда меъморий съёмкаларни уч асосий тоифага ажратиш қабул қилинган: яқинлаштирилган (тахминий), аниқ ва юқори аниқликдаги.

Яқинлаштирилган съёмкалар меъморий обидаларни инвентарлаш, таъмирлашда уларнинг ҳолатини таҳлил қилиш ва қайта тиклаш мақсадларида бажарилади. Бунда иншоотлар ва улар фрагментларининг 1:200 дан 1:50 гача бўлган масштабдаги обзорли схематик режаси тузилади.

Аниқ съёмкалар алоҳида ёки бир гуруҳ бинолар ҳамда интерьерларнинг 1:20 ва 1:10 масштаби режа ва фасадларини чизиш учун мўлжалланган.

Юқори аниқликдаги съёмкалар (хатолиги режа масштабида 0,1 мм дан катта бўлмаган) музейлардаги скульптура ва ҳайкалчаларни, деворий расм ва мозаикали обидаларнинг фрескалари ва муҳим соҳаларини ўрганиш учун бажарилади; хужжатларнинг масштаби 1:5 дан 1:1 гача.

Меъморий геодезик съёмкаларнинг вазифалари обидаларнинг геометрик шакллари, ўлчамлари ва кўрсаткичларини аниқлашдан иборат. Бунда съёмкаларнинг мазмуни қуйидаги истеъмолчиларнинг талабларига жавоб бериши керак:

- меъморий обидаларнинг шакллари ва ушбу услубга хос бўлган хусусиятларни таҳлил қилувчи тарихчиларнинг;
- обидаларни консервациялаш ва таъмирлаш билан боғлиқ бўлган тадқиқотларни ўтказувчи ва қайта тиклаш учун сарфланадиган харажатларни аниқловчи меъморларнинг ва ҳ.к.

Геодезик ва фотограмметрик усуллар фототопографик планларни тузиш, фотографик материаллар бўйича лойиҳалаш, лойиҳани жойга кўчириш, ижройи съёмкалар, бино ва иншоотларнинг деформацияларини аниқлаш, меъморий ўлчам олиш, ҳайкалларни съёмка қилиш, меъморий обидаларни муҳофаза қилиш, таъмирлаш ишларининг ҳажми ва юзаларини аниқлаш, иншоотлар элементларини текисликка ёйишни амалга ошириш ва бошқалар учун қўллаш зарур.

Хорижий адабиётларда чоп этилган тадқиқотлар, меъморий иншоотларнинг эгри чизиқ шаклидаги элементларини аниқлаш назарияси ва технологиясини кам ифода этади. Деталларнинг битта ўқда жойлашувини, шаклларнинг симметриклигини аниқлаш, меъморий шаклларнинг хатолигини топиш алоҳида илмий аҳамиятга эга .

Режада айлана шаклига эга бўлган меъморий иншоотларга миноралар, гумбазлар ва ҳоказолар киради. Уларни ўрганишда айлана шаклидаги иншоотлар маркази ва кесимлари радиусини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади.

II-БОБ.НОДИР ДЕВОНБЕГИ МАДРАССАСИНИНГ ТЕХНИК ХОЛАТИНИГЕОДЕЗИК УСУЛДА ЧЎКИШНИ КУЗАТИШ.

2.1 Нодир Девонбеги мадрассасининг ҳолатини ўрганишда геодезик усулларни қўллаш ва қўлланиладиган асбоблар.

Қадимий меъморий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш мақсадида, муҳандисона ва меъморий таҳлилини замонавий геодезик усулларни қўллаб, уларнинг ҳолатини чуқур текширган ҳолда амалга ошириш мумкин. Меъморий обидаларнинг ҳолатини текшириш, ўлчамларини, таъмирлаш ва реконструкция чизмаларини тайёрлаш учун геодезик усулларда кузатиш ишлари олиб борилиб, уларнинг натижалари асосида зарурий меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилади.

Меъморий обидаларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш учун ўлчам олиш чизмаларини тузиш бўйича амалга ошириладиган ишларнинг кўпчилигида геодезик ва фотограмметрик усуллар қўлланилади. Аммо, меъморий обидаларни таъмирлаш мақсадида уларнинг ҳолатини текширишда ечилиши лозим бўлган қуйидаги муаммолар пайдо бўлади.

- меъморий обидаларнинг параметрларини геодезик усулда аниқлаш: планли-баландлик геодезик таянч тармоғини барпо этиш, иншоотда нул иш чизигини режалаш ва белгилаш; меъморий обидаларнинг горизонтал, вертикал ва қия ҳолатда жойлашган элементларининг ўлчамларини аниқлаш; бориб бўлмас масофаларни аниқлаш; иншоотнинг бориб бўлмас баландлигини аниқлаш; режада айлана шаклига эга бўлган иншоотларнинг радиуси ва марказ координаталарини аниқлаш ва бошқалар.

Иншоотларнинг чўкишини аниқлашда геодезик асбоблар ёрдамида амалга оширилади. меъморий ўлчамларни олишдан мақсад меъморий обидаларнинг ўлчам олиш чизмаларини тузишдан иборат. Агар ўлчам олиш ишлари иншоотнинг ичида ёки атрофида жойлашган дуч келган нуқталаридан бошлаб ўлчанса, ўлчам олишнинг аниқ чизмасини тузишнинг имкони бўлмайди. Шунинг учун съёмка қилиш нуқталари бир-бири билан ўзаро боғланган бўлиши зарур: жойда меъморий обидаларнинг ўлчамларини олишда бу боғлиқлик иншоотнинг ички ва ташқи томонларида, турли усуллар орқали белгиланган шартли нул ва вертикал чизиклар орқали амалга оширилади.

Геодезик усулда меъморий обидаларнинг геометрик ўлчамларини олишда геодезик таянч тармоқлари сифатида обиданинг атрофидан, агар шароит такозо этса, ичкарасидан ҳам ўтказиладиган теодолит-нивелир йўли хизмат қилади. Жуда катта бўлмаган иншоотларни съёмка қилишда учбурчак ёки туртбурчак шаклидаги теодолит йўли билан чегараланиш мумкин. Айрим ҳолларда, алоҳида фасад ёки кўринишларни съёмка қилиш пайтида ишларни битта ёки иккита станциядан туриб бажариш кифоя қилади. Бунда ориентирлаш буссол ёрдамида амалга оширилади. Меъморий ўлчам олиш ишларининг натижалари бўйича иншоотларнинг ўлчам олиш чизмалари чизилади: планлар, фасадлар, қирқимлар, фрагментлар, нақшлар, безаклар ва деворлардаги ёзувлар ва ҳ.к.

Ҳозирги вақтда, чизиқли ўлчашларни 1/1000 - 1/3000 нисбий хатолик билан амалга ошириш учун амалдаги меъморий хужжатларга асосан ОПКЗ-20 АНТ/10, ОПКЗ-30 АНТ/10 ва ОПКЗ-50 АНТ/10 пўлат рулеткалар ишлатилади, аниқлиги юқори (1/500) бўлган ўлчашларда эса ОПКЗ-50 АНТ/1, ОПКЗ-50 БУЛ/1 – миллиметр бўлакли иккинчи класс аниқликдаги рулеткалардан фойдаланилади.

Меъморий съёмкаларни бажаришда бурчакларни ўлчаш учун Т15, 2Т15, 2Т30, 2Т30П ва бошқа техник теодолитлар қўлланилади.

Планли геодезик ва фотограмметрик асосларни барпо этишда, иншоотларнинг оғиши ва бошқа деформацияларини кузатишда ЗТ2КП, ЗТ5КП, Т5, Т5К, «Тео-020» маркали аниқ теодолитлардан фойдаланилади. Аммо шуни ёдда тутмоқ зарурки, агар бошқа ўлчашлар, масалан, комплекс ўлчашлар таркибига кирадиган чизиқли ўлчашлар (аввалги даражада қолса) аниқлиги юқори бўлмаган асбоблар ёрдамида бажарилса, аниқ асбобларни ишлатишнинг ҳожати йўқ. Шунинг учун чизиқли ўлчашларга мос бўлган асбоблар (светодальномерлар) дан ёки замонавий электрон тахеометрлардан фойдаланиш зарур.

Иншоотларнинг чўкиши ва бошқа деформацияларини аниқлашда Н0,5, Н1, НА1, Н_и004 ва бошқа нивелирлар қўлланилади.

Иншоотларда нул иш чизигини жойда режалаш ва отметка узатиш учун, таъмирловчилар техник нивелирлардан фойдаланилади. Аммо бу асбобдан ҳамма вақт ҳам фойдаланиб бўлмайди. Масалан, нул иш чизигини хоналарнинг ичида режалашда, ёруғлик етарли бўлмаган жойларда, штатив ва рейкаларни ўрнатиш имконияти бўлмаган ҳолларда. Бу ҳолатларда гидростатик нивелирлаш усулини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳозирги вақтда хорижий фирмалар томонидан кўплаб турли хил электрон, лазерли ва автоматлаштирилган геодезик асбоблар ишлаб чиқарилмоқда.

Геодезик ўлчаш ишларини автоматлаштириш ва уларни бажаришни жадаллаштириш учун замонавий лазерли электрон асбобларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Теодолит йўлини ўтказишда станцияларнинг ўрни қуйидаги шартларга амал қилган ҳолда ўтказилади:

а) станциядан меъморий обиданинг кўринмайдиган зонаси бўлмаслиги керак;

б) теодолит йўлининг томонлари лента ёки рулетка орқали бемалол ўлчаниши таъминланиши лозим;

в) техник лойиҳа бўйича агар фотосъёмка ишларини бажариш лозим бўлса, унинг станциялари теодолит йўлининг станциялари билан бирлаштирилади;

г) меъморий обидаларнинг эшиги ёки деразалари орқали осма ёки диагональ йўллари ўтказиш имкониятини яратиш;

д) меъморий обидалар ҳудудида жойлашган репер ва таянч белгиларига эътибор бериш.

Агар барпо этиладиган таянч тармоғидан кейинчалик меъморий обидаларнинг деформацияларини кузатиш ишларида фойдаланилса, бу турдаги геодезик ўлчаш ишларининг аниқлигига қуйиладиган талабларни эътиборга олиш зарур.

Барча ҳолатларда таянч тармоғининг асосий йўли давлат геодезик таянч тармоқларига боғланган бўлиши шарт. Техник топшириқда маҳаллий координата системасидан фойдаланиш учун рухсат берилган ҳоллар бундан мустасно.

Геодезик таянч тармоғи барпо этилганидан сўнг, меъморий обидани бу таянч тармоғига қуйидаги усуллар орқали режали боғлаш ишлари амалга оширилиши мумкин:

а) кутбий усул;

б) тўғри бурчакли координаталар (перпендикуляр) усули;

в) чизик кесиштириш усули;

г) бурчак кесиштириш усули;

Сўнгра меъморий обидаларни баландлик таянч тармоғига боғлаш ишлари ва ўлчам олишнинг техник лойиҳа ва техник топшириқларида кўрсатилган бошқа турдаги ишлари амалга оширилади.

Меъморий обидани деформациясини кузатишда НА-1(ГОСТ 10528-69да Н1) нивелири қуйма нивелир бўлиб, катта аниқлик талаб қилинадиган, яъни 1 ва 2 синф аниқлигида нивелирлашда қўлланилади. НА-1 нивелири ичида фокусланувчи қараш трубаesi чап тамондага қутича ўрнатилган; қутича ичига

цилиндирик адилак ва адилак пуфакчасини қараш трубаси орқали кузатиш учун хизмат қиладиган призмали система жойлаштирилган. Трубанинг ўнг тамонига текис параллел пластинка ҳолатини ўзгартирадиган механизм ўрнатилган. Текис параллел пластинка барабан шаклидаги винт ёрдамида қийшайтирилади. Винтнинг барабанига шкала чизилган бўлиб, унинг бурчак қиймати 0.05мм га тенг. Шкаладан лупа орқали санок олинади. Қараш трубаси тағликга вертикал ўк ёрдамида ўрнатилган. Трубани элевацион винт ёрдамида кўтариш ва тушириш мумкин. НА-1 нивелирини иш ҳолатига келтириш учун кўриш винтидан ва бири-бирига нисбатан перпендикуляр ўрнатилган икки адилакдан фойдаланилади. Қараш трубаси қўлда айлантрилиб рейкага тўғрилангач, маҳкамлаш винти қаттиқ бураб қўйилади. Сўнгра қараш трубаси микрометр винт ёрдамида рейкага аниқ визирланади. Цлиндирик адилак пуфакчасини қараш трубаси орқали кузатиб туриб, визир ўқи элевацион винт ёрдамида горизонтал ҳолатга келтирилади ва рейкадан санок олинади. Қараш трубасини рейкага визирланганда иплар тўри, рейка ва цилиндририк адилак пуфакчаси қандай ҳолатда бўлиши кўриниб турибди. Рейкадан олинган санок рейканинг энг кичик бўлаги ва барабан шкаласидан олинган саноклар йиғиндисидан иборат бўлади.

2.2 Оптимал планли-баландлик геодезик тармоқларини барпо этиш

Маълумки меъморий ўлчамларни олишдан мақсад меъморий обидаларнинг ўлчам олиш чизмаларини тузишдан иборат. Агар ўлчам олиш ишлари иншоотнинг ичида ёки атрофида жойлашган дуч келган нуқталаридан бошлаб ўлчанса, ўлчам олишнинг аниқ чизмасини тузишнинг имкони бўлмайди. Шунинг учун съёмка қилиш нуқталари бир-бири билан ўзаро боғланган бўлиши зарур: жойда меъморий обидаларнинг ўлчамларини олишда бу боғлиқлик иншоотнинг ички ва ташқи томонларида, турли усуллар орқали белгиланган шартли нул ва вертикал чизиклар орқали амалга оширилади.

Геодезик усулда меъморий обидаларнинг геометрик ўлчамларини олишда геодезик таянч тармоқлари сифатида обиданинг атрофидан, агар шароит тақозо этса, ичкарасидан ҳам ўтказиладиган теодолит-нивелир йўли хизмат қилади.

(5-расм). Нодир Девонбеги мажмуасининг кузатишимизда учта базис ёрамида ходлар қилиниб мадрасанинг ёнига геодезик пунктлар ўрнатилиб улар текширилди. Геодезик пунктларга асосланиб масжиднинг деворларига маркалар ўрнатилди. Маркалар учта цикл бўйича кузатишлар олиб борилди. Жуда катта бўлмаган иншоотларни съёмка қилишда учбурчак ёки туртбурчак шаклидаги теодолит йўли билан чегараланиш мумкин. Айрим ҳолларда, алоҳида фасад ёки кўринишларни съёмка қилиш пайтида ишларни битта ёки иккита станциядан туриб бажариш кифоя қилади. Бунда ориентирлаш буссол ёрдамида амалга оширилади.

Самарқанд вилояти Самарқанд туманида жойлашган Хужа Ахрорвалий
эпиратохи хуудининг топографик


ПЛАНИ



Планли ва Баландлик
координаталар системаси
маҳаллий

Масштаб 1:500
2013 йил

Бажарувчи:
Ш.Тухтаминшоев,
О. Уроков.



Асосий йўл
 Геодезик таянч пунктлари
 Боғлаш йўли
 Диагонал йўл
 Осма йўл

координата системасидан фойдаланиш учун рухсат берилган ҳоллар бундан мустасно.

Геодезик таянч тармоғи барпо этилганидан сўнг, меъморий обидани бу таянч тармоғига қуйидаги усуллар орқали режали боғлаш ишлари амалга оширилиши мумкин:

- а) кутбий усул;
- б) тўғри бурчакли координаталар (перпендикуляр) усули;
- в) чизик кесиштириш усули;
- г) бурчак кесиштириш усули;

Сўнгра меъморий обидаларни баландлик таянч тармоғига боғлаш ишлари ва ўлчам олишнинг техник лойиҳа ва техник топшириқларида кўрсатилган бошқа турдаги ишлари амалга оширилади.


2.3 Меъморий иншоотларда шартли нул чизиғини режалаш ва белгилаш

Ўлчам олиш ишларини бажаришда съёмкаларни бир-бири билан ўзаро боғлаш ва ўлчам олиш чизмаларини аниқ олиш мақсадида меъморий обидаларнинг ташқи ёки ички деворларида шартли нул чизиғи белгиланади.

Нул чизиғи деб иншоотларнинг деворида белгиланган, бир хил баландликка эга бўлган тўғри чизикқа айтилади. Бу нул чизиғига баландлик ўлчаш ишларининг барчаси боғланади.

Агар меъморий обидаларнинг ташқи ва ички томонидаги ўлчам олиш ишларининг ҳаммаси фақат геодезик усулларда амалга оширилса, нул чизиғини белгилашининг зарурати йўқ. Аммо, жуда кўп ҳолларда аралаш усуллар ва вариантлар қўлланилади. Бунда обидаларнинг ўлчаш қийин бўлган ва бориб бўлмайдиган элементларининг ўлчамларини олиш геодезик усуллар орқали, қолган барча ишлар эса қўл усулида амалга оширилади.

Шартли нул чизиғини белгилаш ишларини нивелир ёрдамида амалга ошириш жуда қулай (2.2-расм). Бу ишларни бажаришда кўриш трубагининг устида адилаги бор бўлган теодолитлардан ёки кучириб олиб юриладиган гидростатик нивелирлардан ҳам фойдаланиш мумкин.



6 – расм. Шартли нул чизиғини белгилаш.

Шартли нул иш чизиғини белгилаш мақсадида нивелир иншоотлардан 3-5 метр узоқликда ўрнатилади ва текширилиб, иш ҳолатига келтирилади. Сўнгра

маълум оптимал тарзда танланган баландликда бошланғич нуқтада ўрнатилган рейкадан санок олинади. Кейин эса кузатувчи кўрсатган жойга рейкачи бориб, иншоот бўйлаб рейкани кўтаради ёки пастга суриб, ўрнатади, кузатувчининг кўрсатмасига кўра, рейкачи нивелир кўриш трубагининг ўрта горизонтал ипига мос тушадиган бошланғич санок бўйича шартли нул чизиғининг нуқталарини белгилаб боради.

Шартли нул чизиғи меъморий обидаларнинг бутун периметри бўйлаб, ичкари ва ташқари томонларида, шу жумладан, пардеворларда, устунларда ва қолган бошқа жойларда ҳам белгилаб чиқилади. Бу чизиқлар яхши кўриниб турадиган, аммо осон ювиладиган бўёқлар билан белгиланади. Бунинг учун бўр, кўмир парчаси, рангли бўрлардан фойдаланиш мумкин. Агар меъморий обидаларнинг деворларида чизиқ чизишнинг иложи бўлмаса, уларни алоҳида (шартли нул чизиғи бўйича) нуқталарда майда михчалар, крест шаклида чизилган планкачалар ёрдамида белгиланади. Ўлчам олиш ишлари якунланганидан сўнг, бу белгичалар олиб ташланади.

Шартли нул чизиғининг баландлиги полдан ёки ердан, иложи борида, ўлчаши ишларини бажариш учун қулай бўлган баландлик (кўпинча, одамнинг кўкрагига тенг бўлган баландлик)да бўлиши зарур. Меъморий иншоотларнинг ички ва ташқи тарафларида белгиланадиган нул чизиқлари бир хил баландликда бўлгани маъкул.

Нул чизиғини белгилаш аниқлиги қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$m_{H_0}^2 = m_{H_R}^2 + 2m_0^2 + m_j^2 + m_\phi^2 ;$$

бу ерда m_{H_R} - реперни аниқлаш ўрта квадратик хатоси;

m_0 - рейкадан санок олиш ўрта квадратик хатоси;

m_j - визирлаш ўрта квадратик хатоси;

m_ϕ - маркани нул чизиғига фиксациялаш ўрта квадратик хатоси.

Қияликда жойлашган иншоотларда, айрим ҳолларда зинапоясимон нул чизиғини турли сатҳларда ўрнатишга тўғри келади. Бундай чизиқнинг синик жойлари (зинапояси)ни бинонинг бурчаклари, эшиклар чеккаси каби вертикал жойлашган қисмларида ўрнатиш мақсадга мувофиқ. Синик чизиқларда нисбий баландлик синчиклаб ўлчанади.

Нул чизиғини иншоотнинг курсида ёки қандайдир бир «горизонтал» сатҳда ўрнатиш тавсия этилмайди, чунки бу «горизонтал» сатҳлар хама вақт ҳам катъий горизонтал ҳолатда бўлмайди.

Баландлиги катта бўлган меъморий иншоотларда турли сатҳларда бир неча нул чизиғини ўрнатишга тўғри келади. Юқори нул чизиғига отметка узатиш оддий геодезик усуллар орқали амалга оширилади

Биринчи ва иккинчи горизонтларнинг отметкаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$H_{A\Gamma_1} = H_R + O_R \quad \text{ва} \quad H_{A\Gamma_2} = H_{A\Gamma_1} + (c - d)$$


H_O нинг қиймати қуйидагига тенг бўлади:

$$H_0 = H_{A\Gamma_2} - O_1 .$$

Нул чизигини режалашда вертикал осилган рулеткадан фойдаланиш мумкин. Барчасидан кўра геометрик нивелирлашни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Агар асос қилиб тригонометрик нивелирлаш олинган бўлса (2.4- расм), чизиқли ўлчаш ишларини рулетка ёрдамида бажариш лозим, чунки ипли дальномер билан масофани 1/400 нисбий хатолик билан ўлчш мумкин. C нуқтанинг отметкаси қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$H_C = H_A + dtg v_1 = H_A + h + i.$$

7 -расм. Тригонометрик нивелирлаш усулида нуқталарнинг отметкаларини аниқлаш.



элементларининг ўлчамларини турли усуллар ёрдамида аниқлаш мумкин. Геодезик ўлчаш ишлари амалиётида ушбу вазифани ечиш учун тригонометрик нивелирлаш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Меъморий иншоотларининг вертикал ҳолатда жойлашган бориб бўлмас элементларининг ўлчамларини бевосита қуйидаги боғлиқлик орқали аниқлаш мумкин (2.7-расм):

$$h = d \operatorname{tg} v.$$

бу ерда d – иншоотгача бўлган масофанинг горизонтал куйилиши; v – вертикал бурчак.

Вертикал бурчак v теодолит ёрдамида ўлчанади. Теодолит ўлчамлари аниқланиши керак бўлган иншоотнинг қаршисига ўрнатилиб, иш ҳолатига келтирилади. Унинг кўриш трубаси иншоотнинг ўлчаниши лозим бўлган элементининг MN кесмадан иборат бўлган ўлчамини аниқлаш учун v_1 ва v_2 вертикал бурчаклар ўлчанади.




8-рasm. Вертикал текисликда ётган вертикал ҳолатда жойлашган элементларнинг ўлчамларини аниқлаш.

Иншоотгача бўлган масофа рулетка ёки пўлат лента ёрдамида ўлчанади. Зарур бўлган ҳолатларда (жойнинг вертикал бурчагининг қиймати $1,5^0$ дан катта бўлган ҳолда) чизиқнинг қиялиги учун тузатма киритилади.

Турли предметлар билан банд бўлган интерьерларнинг меъморий ўлчамларини олиш ишларини бажаришда, интерьернинг чап ёки ўнг томонда кичкина нарвон ўрнатишнинг имконияти бор бўлса, бўш турган деворларига шовун чизиғи остида тортиб ўрнатилган рулеткага теодолит ёрдамида бориб бўлмас вертикал элементларни параллел «кўчириш» ишларини амалга ошириш мумкин. Бунда асбоб-ускуналар етарли даражада тургун ҳолда бўлиши зарур.

Вертикал текисликда ётган қия ҳолатда жойлашган элементнинг ўлчамларини тўғри бурчакли учбурчакни ечиш коидаларига асосан аниқлаш мумкин (9-рasm).



9-рasm. Меъморий обидаларнинг тик текисликда жойлашган қия ҳолатдаги элементларнинг ўлчамларини аниқлаш

MNK учбурчакнинг битта катети проекциялаш усули билан, иккинчиси эса — худди тик элемент сифатида аниқланади. 9-рasmдан кўриниб турибдики, MN кесманинг ўлчамларини аниқлаш учун туртта қиялик бурчагини ва учта масофани (M_0N_0, D_N ва D_M) ўлчаш талаб қилинади ҳолос.

MN кесма умумий ҳолда h_1 ва h_2 нисбий баландликларнинг фарқи сифатида аниқланади:

$$H'' = \left(D_C \cdot \cos v_C + \frac{b}{2} \right) \cdot \operatorname{tg} v_A.$$

Юқорида келтирилган формулалардан фойдаланиб иншоотнинг баландлиги қуйидагича аниқланади:

$$H = \left(D_C \cdot \cos v_C + \frac{b}{2} \right) \cdot \operatorname{tg} v_A + i - D_C \cdot \sin v_C.$$

Агар

$b = 3,08$ м; $i = 1,46$ м; $v_A = 29^{\circ}10'$; $v_C = 1^{\circ}55'$; $D_C = 21,0$ бўлса, иншоотнинг баландлиги қуйидагича аниқланади:

$$H = \left(D_C \cdot \cos v_C + \frac{b}{2} \right) \cdot \operatorname{tg} v_A + i - D_C \cdot \sin v_C = \\ = (21,0 \cos 1^{\circ}55' + 3,08/2) \operatorname{tg} 29^{\circ}10' + 1,46 - 21,0 \sin 1^{\circ}55' = 13,33 \text{ м.}$$

2.4. Чўкишни кузатиш белгиларини жойлаштириш

Тик деформацияни ўлчаш усуллари. Деформацияни аниқлаш учун жойлаштириладиган белгилар ҳолати қабул қилинган ўлчаш усулига боғлиқ. Иншоотлар ва улар пойдеворларининг чўкишини кузатиш учун қуйидаги геодезик усуллардан фойдаланилади:

- а) қисқа визир чизиқли (25 м гача) геометрик нивелирлаш;
- б) қисқа визир чизиқли (100 м гача) тригонометрик нивелирлаш;
- с) гидростатик нивелирлаш;
- д) фотограмметрик ва стереофотограмметрик план олиш. Ноёб иншоотларни кузатишда микро nivelirлаш усули ҳам қўлланилиши мумкин.

Чўкишнинг абсолют қийматини аниқлаш учим бошланғич деб қабул қилинган реперда нивелирлаш амалга оширилади. Нисбий чўкишлар иншоотнинг нуқталари орасидаги ўлчашлар фарқидан олинади.

Чўкишни кузатишда энг кўп қўлланиладиган усул юқори аниқликдаги геометрик нивелирлаш ҳисобланади. Нивелирлаш чўкиш маркалари деб қабул қилинган белгилар бўйлаб амалга оширилади. Бу белгилар иншоот пойдеворида ўрнатилган бўлиб, улар иншоот билан бирга тавсифланади, демак, уларни кузатиш орқали иншоотнинг алоҳида қисмлари чўкишини аниқ-лашимиз мумкин.

Чўкиш маркалари кузатилаётган иншоотдан маълум масофада, чўкиш воронкасида чеккада жойлашган репер-лар тармоқига нисбатан

аниқланади. Бу реперларнинг баландлик ҳолатлари барқарорлиги чўкишни кузатиш давомидасақланиб қолиши керак.

Белгиларни жойлаштириш лойиҳаси. Иншоотлар алоҳида нуқталарининг тик ва горизонтал силжишини аниқлашда чўкиш маркалари ва геодезик асос белгиларини жойлаштириш асосий ишлардан бин ҳисобланади. Силжишни аниқлаш сифати ва батафсиллиги белгиларнинг тўғри жойлаштирилганлиги ва сонига боғлиқ.


Иншоотларга кузатиш белгиларини жойлаштириш лойиҳаси пойдевор конструкцияси, гидрологик ва геологик шароитларни ҳисобга олган ҳолда тузилади. Чўкиш маркалари иложи борида бир хил сатҳда, бинолар бурчагига жойлаштирилишига ҳаракат қилинади.

Ғишт деворли яшаш ва жамоат бинолари учун чўкиш маркалари пойдевор периметри бўйлаб, 10-15 м оралиқда жойлаштирилади.

Саноат иншоотлари ва каркасдан бўлган яшаш ва жамоат бинолари учун чўкиш маркалари устунларга бино периметри бўйлаб жойлаштирилади.

Айлана шаклидаги иншоотлар учун тўрттадан кам бўл-маган чўкиш маркалари периметр бўйлаб ўрнатилади.

расмда девор ва устунларга, иссиқлик электр стансиялари агрегатларига чўкиш маркаларини ўрнатишга мисоллар келтирилган.



Маркалар жойлашиши схемаси бино ва иншоотлар пойдеворлари планида лойиҳаланади. Хар бир марка тартиб рақами билан белгиланади.

Чўкиш маркалари турлари. Оддий кўринишдаги марка § 15 см узунликдаги арматура ёки темир бўлагидан иборат.

Юқори аниқликдаги кузатишлар учун еса турли хилдаги шкалали маркалар қўлланилади. Бу турдаги маркалар рейка сифатида фойдаланилади ва нивелирлаш аниқлигини оширади.

Бошланғич нивелирлаш асоси. Қўйилган талаб ва кузатиш аниқлигига боғлиқ бўлган ҳолда қуйидаги реперлар бошланғич (асос) бўлиб хизмат қилиш мумкин:

чуқурликдаги фундаментал реперлар - ернинг мустаҳкам, турғин қатламига ўрнатилади;

ер грунт реперлари - ернинг музлайдиган қатламидан пастда ўрнатилади;

деворий белгилар - пойдевор чўкиши қарийиб тугаган бино ва иншоотлар деворига ўрнатилади.


Ер ва деворий реперлар ўрнатиладиган бино ва иншоотлар таъсир майдончасидан ташқарида жойлашган бўУши керак. Саноат иншоотлари учун ер реперларининг иншоотдан узоқ-лашуви 70-80 м дан кичик бўлмаслиги керак. Гидротехник иншоотлар қурилишида ер реперлари чўкиш зонасидан ташқарида жойлашиши керак. Одатда, улар дарёнинг иккала қирғоғига 0,5-0,1 км масофада плотина створидан пастда жойлаштирилади. Ер ишчи реперлари имконият борича бино ва иншоотлар яқинига жойлаштирилади. Айрим ҳолларда реперлар плотиналарнинг ҳам пастига, ҳам устки қисмига ўрнатилади. Бундай реперларни мунтазам равишда нивелирлаш, сув омборидаги сувнинг кўпайиб бориши мобайнида плотинанинг мустаҳкамУги ҳақида биУб боришга имкон беради.

Чуқурликдаги реперларга қўйиладиган асосий талаб, улар-нинг чўкишини кузатиш давридаги мустаҳкамлиги ва барқарорлиги ҳисобланади. Ишчи реперларга бундай талаб қўйилмайди. Улар ўзларининг мустаҳкамлигини фақатгина маълум оичаш сиклидагина сақлашни талаб етади. Чўкишни ИИ ва ИИИ синф нивелирлаш орқали ўлчашда бошланғич асос сифатида ер реперлари ҳамда бино ва иншоотлар деворларига ўрнатилган реперларни қўллашга рухсат берилади. Ер реперларининг сони учтадан кам бўлмаслиги, деворий белгилар еса тўрттадан кам бўлмаслиги керак. Бошланғич (асос) реперлар ўрнатилгандан кейин уларнинг бирортасига яқинроқда жойлашган геодезик баландлик тармоғи нуқтасидан отметка узатилади.

Марка ва реперларни турлари. Геодезик реперлар 3 гуруҳга бўлинади. Чуқурликдаги реперлар одатда сиқилмайдиган гурунларда

ўрнатилади. Девордаги реперларни бино ва иншоотларни деворларига урнатилади. Чуқурликдаги реперлар металдан, металмас ва симли бўлиши мумкин. Чуқурликда жойлашган репер грунטי чуқурлигига боғлиқ. Грунтдаги реперлар металдан ёки темир бетондан бўлиши мумкин. Грунтли реперларни сони бундай ҳолларда 3 тадан кам бўлмаслиги, девордагилари эса 1 тадан кам бўлмаслиги керак.

56-расмда ер реперининг энг кўп тарқалган тури кўрсатилган.



Қувурсимон ер реперларининг устки қисми сферик шаклдан иборат бўлиб, 50-80 мм диаметрдаги қувурсимон асосга маҳкамланган. Монтаж вақтида репер асоси тайёрланган қудуққа туширилади ва бетонланади.

Жой шароитига мос равишда турли хилдаги реперлар қўлланилиши мумкин.

Инвар струнали репер, икки странали репер, биметалл реперлар шулар жумласидандир.

2.5. Иншоотлар чўкишини аниқлаш

Кўпгина бир хил андазали иншоотлар пойдеворлари чўкишини кузатиш аниқлиги I ёки II синф нивелирлаш усули ёрдамида таъминланади.

Фақатгина айрим ҳоллардагина чўкишни аниқлашда юқори аниқликда нивелирлашнинг махсус усуллари қўлланилади.

Нивелирлашнинг I синф услубида пойдевор чўкишини аниқлаш асбобнинг икки горизонтида, тўғри ва тескари йўналишда, юқори аниқликдаги нивелирлар Н-05 ва Н₁ 002 ёрдамида бажарилади. Нивелирлашда инварли рейка қўлланилади.

Нивелирлаш йўли бошланғич (асос) репердан бошланиб, шу реперда ёки бошқа реперда тугайди. Визирлаш нури узунлиги 25 м дан ошмаслиги, унинг ер юзасидан ёки полдан баландлиги 0,8 м дан кичик бўлмаслиги керак. Айрим ҳолларда, визирлаш нури узунлиги 15 м дан ошмаганда, нурнинг баландлиги 0,5 м бўлишига йўл қўйилади.

Нивелирлаш ташқи муҳит қулай ва рейка штрихлари тасвири етарлича аниқ кўринадиган шароитда амалга оширилади.

Иншоот ичкарасида жойлашган маркаларга отметка узатиш дераза ва эшик тирқишлари орқали узатилади. Иссиқ ва совуқ ҳаво оралиғида нивелир ўрнатиш тавсия етилмайди. Нивелирнинг бурчак қиймати 20" дан катта бўлмаслиги, стансиялардаги елка узунлиги фарқи еса 0,4 м дан ошмаслиги керак.

Ёпиқ нивелирлаш йўлидаги елка тенгсизликлари йиғиндиси 2 м гача бўлишига йўл қўйилади. Иккита асбоб горизонтидан олинган нисбий баландликлар фарқи 0,8 мм дан ошмаслиги керак.

Юқори аниқликда нивелирлашда стансияда нисбий баландликни ўлчаш хатолиги 0,1 мм ни ташкил этади, нивелир йўли ёки полигонлар боғланмаслик чеки қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланган қийматдан ошмаслиги керак:

$$f_{hl} = 0,3\sqrt{n}$$

бу ерда n - стансиялар сони.

Реперлар отметкасини фасллардаги температура ўзгариши сезиларли даражада ўзгартиради. Шунинг учун фундаментал реперларнинг кузатилаётган пойдевор билан бир хил температурада бўлишига ҳаракат қилинади.

Кўпгина саноат иншоотларини кузатишда нивелирлашнинг ИИ синф усулуби қўлланилади. УН-1, Н-2 ва N_i 007 турдаги нивелирлар ёрдамида бажарилади.

Нивелирлаш битта асбоб горизонтида, тўқри ва тескари йўналишда амалга оширилади. Визирлаш нури баландлиги ерюзаси ёки пойдевордан 0,5 м дан кичик бўлмаслиги керак. Нивелирдан рейкаларгача бўлган масофалар фарқи 1 м дан катта бўлмаслиги, ёпиқ йўл учун уларнинг йиғиндиси 3-4 м дан катта бўлмаслиги керак. Визир чизиғи узунлиги 30 м дан ошмаслиги керак.

Ёпиқ полигондаги ёки I синф пунктлари орасидаги йўл қўярли боғланмаслик қуйидагича ҳисобланади:

$$f_{hl} = 1,0\sqrt{n}$$

бу ерда n - стансиялар сони.

Ер иншоотлари ҳамда кучли сиқиладиган тупроқларда барпо қилинадиган иншоотлар чўкишини кузатиш III синф нивелирлаш усулида бажарилиши мумкин. Бунда НЗ ва N_i 007 турдаги нивелирлар ва икки томонлама сантиметр бўлакли рейка қўлланилади. Нивелирлаш иккита асбоб горизонтида, битта йўналишда бажарилади. Визирлаш нури узунлиги 40 м дан ошмаслиги керак. Визир чизиғи баландлиги 0,3 м дан кичик бўлмаслиги, нивелирдан рейкаларгача бўлган масофалар фарқи 2 м дан ошмаслиги, уларнинг нивелирлаш йўлидаги йиғиндиси еса 5 м дан ошмаслиги керак. Нивелир йўлининг боғланмаслик чеки қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$f_{hl} = 2,0\sqrt{n}$$

бу ерда n - стансиялар сони.

Ўлчаш натижаларини қайта ишлаш одатдагидек, нивелирлаш аниқлигини баҳолаш натижаларига ва тенглаштиришдан олинган тузатмаларга асосан амалга оширилади.

Стансиядаги нивелирлашнинг ўрта квадратик хатолиги қуйидагича ҳисобланади:

$$m_{hcm} = \frac{1}{2} \sqrt{\frac{f^2}{n}}$$

бу ерда d - стансиядаги иккиланган ўлчашлар фарқи;

n - нивелир тармоғидаги тенг аниқликдаги фарқлар сони.

Ёпиқ нивелирлаш полигони ёки йўлларининг битта стан-сиясида $m_{хсм}$ ва бир километрда $r_{км}$ нисбий баландлик хатолиги қуйидагича ҳисобланади:

$$m_{hcm} = \sqrt{\frac{f_h^2}{n}}$$

ва

$$\eta_{km} = m_{hst} \sqrt{\frac{f}{L}}$$

бу ерда f_h - полигондаги ёки йўлдаги боғланмаслик;

n - нивелирлаш стансияларисони;

N - полигонлар ёки йўллар сони;

$[L]$ - полигонлар ёки йўллар узунликларийиғиндиси.

Тенглаштириш натижаларига асосан 1 км йўлнинг ўрта квадратик хатолиги:

$$\eta_{km} = \sqrt{\frac{f^2}{N-r}}$$

бу ерда N - тармоқдаги барча томонлар сони;

r - тугун нукталар сони;

r - йўл вази $\left(p = \frac{1}{L}\right)$;

v - тенглаштиришданолинадиган тузатма.

Ўлчаш аниқлиги тенглаштирилгандан кейин чўкиш маркаларининг отметкалари H ҳисобланадиган чўкиш бўйича дивал тузилади.

Бунда қуйидагилар аниқланади:

Охиригикки тақузатиш цикли ($J - 1$ ва J) орасидаги чўкиш қиймати

$$S_{(j-1)} = H_1 - H_{j-1}$$

Дастлабки кузатувдан бошлаб чўкишлар йиғиндиси

$$S_j = H_j - H_0$$

Пойдевор нишаблиги

$$i_{1,2} = \frac{\Delta S_{1,2}}{l_{1,2}}$$

Бу ерда $l_{1,2}$ - пойдевордаги 1 ва 2 нукталар орасидаги масофа;
Пойдевор ўқи бўйлаб симметрик егилиш қиймати

$$f = \frac{2S_2 - S_1 + S_3}{2}$$

Ва нисбий егилиш

$$f_{nis} = \frac{f}{l_{1,3}}$$

бу ерда S_1 ва S_3 пойдевор ўқидаги чекка маркалар чўкиши;

S_2 ўртадаги маркаларнинг чўкиши;

$l_{1,3}$ - чекка маркалар 1 ва 3 орасидаги масофа;

Чўкишнинг ўртача ойлик ёки ўртача йиллик чўкиш тезлиги (N марка учун)

$$v = \frac{S_N}{t}$$

бу ерда t ойларда ёки йилларда ифодаланган вақти;

S_N - шу вақт мобайнидаги чўкишлар йиғиндиси.

Барча иншоот учун ўртача чўкиш тезлиги


$$v_{or} = \frac{\sum v}{r}$$

бу ерда r кузатилаётган маркалар сони.

1. Нивелирлашда баҳолаш аниқлиги.

II-синф нивелирлаш усулари нивелирлашда рухсат этилган чеки бўйича бажарилди

Нивелирлашда орқа ва олди томонларга қаратилди. Нивелирлашни текширишимизда орқа ва олдидан олинган саноклар нисбий баландлиги аниқланиб ёпиқ полигон куринишида боғланди. Орқа ва олдиндан олинган санокларнинг нисбий баландлигининг чекли хатосини топиш формуласи қуйдагича:



$\pm 5\text{mm V } 1_{-}$

Чўкиш ва пойдеворларда ёриқлар пайдо бўлишини аниқ тасаввур қилиш учун пойдевор ва ер ости сувларининг температурасини кузатиш натижаларига ега бўлиш талаб етилади.

Иншоотни нивелирлашда фундаментдан вертикал чўкишининг тахлили.

Кузатувлар II-синф нивелировка ишлари бажарилиб Нодир Девонбеги мажмуасининг чўкишини аниқлашда шимолий тамонига 3 та репер ўрнатилиб шу реперга асосланган ҳолда мажмуа деворларига ўрнатилган 37 та деворий маркалардан саноклар олиб кузатувлар амалга оширилди. Натижага кўра ўлчашлар жарёнида чўкканлиги аниқланди.

Нодир Девонбеги мадрассасининг чўкишини кузатишда II-синф нивелирлаш. 1-кузатув

№ секция	Марказ ва белги	Жойнинг номланиши	Масофа км.	Бошланғич пункт масофаси	Штатив сони	Нисбий баландлик	Абсолют баландлик
1	11	Нодир Девонбеги		0.00			715,278
		Нодир Девонбеги	1,4		18	-1,043	
2	12	Нодир Девонбеги		1,40			714,235

		Нодир Девонбеги	0.01		1	-0.014	
3	13	Нодир Девонбеги		1 41			714,21
		Нодир Девонбеги	0.01		1	-0.036	
4	14	Нодир Девонбеги		1.42			714,174
		Нодир Девонбеги	0.01		1	-0.036	
5	15	Нодир Девонбеги		1, 42			714,14
		Нодир Девонбеги	0,01		1	-0,095	
6	16	Нодир Девонбеги		1,44			714,045
		Нодир Девонбеги	0,01		1	0,037	
7	17	Нодир Девонбеги		1.45			714,077
		Нодир Девонбеги	0.01		1	-0,474	
8	18	Нодир Девонбеги		1,46			713,602
		Нодир Девонбеги	0,01		1	0,440	
9	19	Нодир Девонбеги		1,47			714,042
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.034	
10	20	Нодир Девонбеги		48			714,074
		Нодир Девонбеги	0.01		1	-0,054	
11	21	Нодир Девонбеги		1.49			714,020
		Нодир Девонбеги	0,01		1	0,074	
12	22	Нодир Девонбеги		1,50			714,094
		Нодир Девонбеги	0,01		1	0,026	
13	23	Нодир Девонбеги		1,51			714,120
		Нодир Девонбеги	0,01		1	-0.008	
14	24	Нодир Девонбеги		1,52			714,112
		Нодир Девонбеги	0,01		1	0,012	
15	25	Нодир Девонбеги		1,53			714,124
		Нодир Девонбеги	0,01		1	0,031	
16	26	Нодир Девонбеги		0.67			714,155
		Нодир Девонбеги	0.01		1	-0.062	
17	27	Нодир Девонбеги		0.68			714,093
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.156	
18	28	Нодир Девонбеги		0.69			714.249
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.072	
19	29	Нодир Девонбеги		0.70			714,321
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.016	
20	30	Нодир Девонбеги		0.71			714,337
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.049	
21	31	Нодир Девонбеги		0.72			714,386
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.045	
22	32	Нодир Девонбеги		0.73			714,431
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.023	
23	33	Нодир Девонбеги		0.74			714,454
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.052	
24	34	Нодир Девонбеги		0.75			714,506

		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.049	
25	35	Нодир Девонбеги		0.76			714,55
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.052	
26	36	Нодир Девонбеги		0.77			714,602
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.047	
27	37	Нодир Девонбеги		0.78			714,649
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.077	
28	38	Нодир Девонбеги		0.79			714,726
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.062	
29	39	Нодир Девонбеги		0.80			714,788
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.028	
30	40	Нодир Девонбеги		0.81			714,816
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.050	
31	41	Нодир Девонбеги		0.82			714.866
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.076	
32	42	Нодир Девонбеги		0.83			714,942
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.043	
33	43	Нодир Девонбеги		0.84			715.985
		Нодир Девонбеги	0.01		1	-0.109	
34	44	Нодир Девонбеги		0.85			715,094
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.041	
35	45	Нодир Девонбеги		0.86			715,135
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.043	
36	46	Нодир Девонбеги		0.87 с			715,178
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.274	
37	47	Нодир Девонбеги		0.88			715.452
		Нодир Девонбеги	0.05		1	-0,946	
38	48			0.93			714.506
		Сумма		0.93		58	
							714.55

Нодир Девонбеги мадрассасини чўкишини кузатишда II-синф нивелирлаш.2-кузатув

№ секция	Марказ ва белги	Жойнинг номланиши	Масофа км.	Бошланғич пункт масофаси	Штатив сони	Нисбий баландлик	Абсолют баландлик
1	11	Нодир Девонбеги		0.00			720.09"
		Нодир Девонбеги	1,4		18	-5,859	
2	12	Нодир Девонбеги		1,40			714.238
		Нодир Девонбеги	0.01		1	-0.026	
3	13	Нодир Девонбеги		1 44			714.212
		Нодир Девонбеги	0.01		1	-0.036	
4	14	Нодир Девонбеги		1.42			714.176
		Нодир Девонбеги	0.01		1	-0.036	
5	15	Нодир Девонбеги		1,43			714,047
		Нодир Девонбеги	0,01		1	-0,096	
6	16	Нодир Девонбеги		1,44			714,047
		Нодир Девонбеги	0,01		1	0,011	

7	17	Нодир Девонбеги		1.45			714.068
		Нодир Девонбеги	0.01		1	-0,4770	
8	18	Нодир Девонбеги		1,46			713.591
		Нодир Девонбеги	0,01		1	0,4390	
9	19	Нодир Девонбеги		1,47			714,031
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.034	
10	20	Нодир Девонбеги		48			714.065
		Нодир Девонбеги	0.01		1	-0,053	
11	21	Нодир Девонбеги		1.60			714.012
		Нодир Девонбеги	0,01		1	0,074	
12	22	Нодир Девонбеги		1,55			714.086
		Нодир Девонбеги	0,01		1	0,025	
13	23	Нодир Девонбеги		1,51			714 112
		Нодир Девонбеги	0,01		1	-0.008	
14	24	Нодир Девонбеги		1,56			714.102
		Нодир Девонбеги	0,01		1	0,013	
15	25	Нодир Девонбеги		1,53			714.115
		Нодир Девонбеги	0,01		1	0,037	
16	26	Нодир Девонбеги		0.67			714.147
		Нодир Девонбеги	0.01		1	-0.061	
17	27	Нодир Девонбеги		0.68			714.086
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.155	
18	28	Нодир Девонбеги		0.69			714.240
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.078	
19	29	Нодир Девонбеги		0.70			714.318
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.016	
20	30	Нодир Девонбеги		0.71			714.334
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.050	
21	31	Нодир Девонбеги		0.72			714.384
		Нодир Девонбеги	0.01		1	0.046	
22	32	Нодир Девонбеги		0.73			714.429
